

Навоий вилояти: УЛКАН ИМКОНИЯТЛАР ЧОРРАҲАСИДА

Навоий шаҳри ва республикаимиз пойтахти Тошкент шаҳри ўртасидаги масофа 500 километрдан ортиқроқ. Вилоятнинг энг чекка ҳудудига бориш учун эса Навоий шаҳридан салкам 600 километрча йўл босишга тўғри келади. Бу — Навоий вилояти қанчалик катта ҳудудни эгаллаб турганига бир мисол, холос. Аслида, Ҳазрат Навоий номи билан аталган вилоят майдони жиҳатидан нафақат мамлакатдаги энг катта, балки саноати, қишлоқ хўжалиги ривожланган, табиий бойликлари беҳисоб ҳудуд сифатида Ўзбекистоннинг жон томири ҳисобланади.

Бугун ахборот асрида яшаймиз. Ахборот-коммуникация технологиялари ҳаётимизнинг барча жабҳаларига изчил кириб бормоқда. Мамлакатимизда ахборотлаштириш, замонавий АҚТни жадал ривожлантириш ҳамда жамиятнинг барча соҳаларида ундан самарали фойдаланиш борасида кенг миқёсда ислохотлар олиб борилмоқда. Бу борада навоийликлар олдинги ўринларни эгаллаб турганлигини Навоий вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги "Компютерлаштириш маркази" давлат унитар корхонаси фаолияти мисолида яққол кўриш мумкин.

4-5-бетлар

ТАЙИНЛАШ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 11 февралдаги "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аъзоларини тасдиқлаш тўғрисида"ги Фармони асосан Хуршид Мирсобирович МИРЗОҲИДОВ Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири этиб тасдиқланди.

УШБУ СОНДА:

- | | |
|--|----|
| ■ Хавфсиз меҳнат – ишда баракот | 3 |
| ■ Ваше мнение на Fikr.uz | 6 |
| ■ Масофавий таълим: Ўзбекистон тажрибаси | 11 |
| ■ Миллий сайтлар (ТОП-10) | 12 |
| ■ Соғиниб, кўмсаб яшайлик Навоийни! | 14 |
| ■ Тарки одат — амри ирода | 16 |

Umadan umagacha

● Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президенти-нинг "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аъзоларини тасдиқлаш тўғрисида"ги фармони эълон қилинди.

● Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ва Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси вакиллари Марказий сайлов комиссиясига Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларни рўйхатга олиш учун зарур ҳужжатларни тақдим қилди. Айни пайтда Марказий сайлов комиссиясида имзо варақалари тўғри тўлдирилганлигини текшириш бўйича ишчи гуруҳлари фаолият юритмоқда. Уларнинг таркибига Марказий сайлов комиссияси аъзолари, жамоат ташкилотлари вакиллари, ички ишлар, адлия органлари ва бошқа муассасаларнинг мутахассислари киритилган.

● 9 феврал куни Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида шоир таваллудининг 574 йиллигига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда Алишер Навоий асарларидан намуналар ўқилди. Улуг мутафаккир маънавий мероси, ижоди, фаолияти ҳақида жаҳон адабиёти намояндalarининг қимматли фикрларидан парчалар Тошкент давлат шарқшунослик институти талабалари томонидан ўзбек, рус, инглиз тилларида ижро этилди. Алишер Навоий газалларига басталанган кўшиқлар янгради. Тадбир иштирокчилари Алишер Навоий ҳайкали пойига гуллар қўйди.

● Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат мусиқали театрида Ўзбекистон халқ шоири Зулфия таваллудининг 100 йиллигига бағишлаб "Зулфиядан таралар зиё" мавзусида адабий кеча бўлиб ўтди. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, Ёзувчилар уюшмаси ҳамда Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда ёшлик, баҳор ва муҳаббат туйғусини юксак пардаларда таранум этган шоиранинг ибратли ҳаёти ва адабий мероси ҳақида сўз юритилди.

● Яқинда Италияда Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳиятига бағишланган тақдирот маросими бўлиб ўтди. Мамлакатимизнинг Италиядаги элчихонаси томонидан "Federturismo Confindustria" Италия миллий сайёҳлик федерацияси билан ўзаро ҳамкорликда ташкил этилган ушбу тадбир чоғида Ўзбекистоннинг кўҳна тарихи, бой маданий мероси, ҳажонга машхур маҳобатли ёдгорликлари ҳақидаги маълумотлар мулоқотларнинг асосий мавзуси бўлди.

2015 йилнинг 4 феврал куни Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан "Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида"ги фармон имзоланди.

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ташкил этилди

Фармонда давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш, мамлакат иқтисодиёти тармоқлари ва соҳаларида замонавий ахборот технологиялари ва коммуникацияларини, "электрон ҳукумат" тизими ҳамда ахборот тизимларини жадал татбиқ этиш, телекоммуникация инфратузилмасини ва маълумотларни узатиш тармоқларини модернизация қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси негизда Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигини ташкил қилиш белгиланган.


Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг асосий вазифалари ҳамда фаолият йўналишлари этиб қуйидагилар белгилаб берилган:

- ахборот технологиялари ва коммуникациялар соҳасида "электрон ҳукумат" ни жорий этишда ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлаш, ахборот технологияларини ривожлантиришнинг жаҳон даражасидан келиб чиққан ҳолда миллий ахборот-коммуникация тизимини татбиқ этиш ва ривожлантириш юзасидан комплекс дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

- телекоммуникация инфратузилмасини янада ривожлантириш ва модернизация қилиш, шу жумладан, интернет тармоғига кенг полосоли улашишни кенгайтириш, телефон алоқаси, телевидение ва радиоэшиттиришнинг рақамли тизимларига тўлиқ ўтишни таъминлаш, алоқа ва телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни, шунингдек, радиочастотали спектрдан фойдаланишнинг давлат йўли билан бошқариш, лицензиялаш ва назорат қилиш борасидаги функцияларни амалга ошириш;

- "электрон ҳукумат" ни татбиқ этиш, вазирликлар, идоралар, компаниялар ва уюшмаларнинг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ахборотлаштириш ва интерактив давлат хизматларини такомиллаштириш борасидаги фаолиятини идоралараро мувофиқлаштириш, мониторинг қилиш, баҳолаш ва назорат қилиш бўйича давлат дастурларининг амалга оширилишини таъминлаш, шунингдек, давлат ахборот ресурслари ҳамда маълумот базаларини шакллантириш, сақлаш ва фойдаланишнинг ягона тизимини вужудга келтириш, идоралараро ахборот тизимларини яратиш ва бошқариш;

- интернет тармоғининг миллий сегменти янада шакллантирилишини таъминлаш, мамлакатимизнинг турли йўналишлардаги замонавий веб-ресурсларини, шу жумладан, аҳолининг, хусусан, ёш авлоднинг ахборотга бўлган ва интеллектуал талаб-эҳтиёжларини қондириш мақ-



Белгилаб қўйилганидек, Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг барча мажбуриятлари ва шартномалари, шу жумладан, халқаро шартномалари бўйича ҳуқуқий вояси ҳисобланади.

садида тармоқ ресурсларини ривожлантириш учун зарур техник ва қулай шарт-шароитларни яратиш;

- рақобатдош дастурий маҳсулотларнинг мамлакатимизда ишлаб чиқарилишини ва ички бозорини ҳамда уларга кўрсатиладиган хизматларни ривожлантиришга қўмаклашиш ва унинг мувофиқлаштирилишини таъминлаш, иқтисодиётнинг реал сектори тармоқларида ва истеъмолчиларда замонавий дастурий маҳсулотлар, ахборот тизимлари ва ахборот ресурсларини жорий этиш;

- ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва коммуникация тармоқлари, дастурий маҳсулотлар, ахборот тизимлари ва ресурсларини химоя қилишнинг замонавий технологияларини татбиқ этиш чора-тадбирларини амалга ошириш, ахборот ресурсларини химоя қилиш бўйича техник инфратузилмани янада ривожлантириш;

- замонавий коммуникация воситалари соҳасида илмий тадқиқотлар ва ишланмаларни, кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил қилиш, дастурий маҳсулотлар, ахборот тизимлари ва маълумотлар базаларини ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва ахборот-коммуникация технологияларининг бошқа соҳаларида шундай ишларни ташкил этиш;

- алоқа, ахборот технологиялари ва коммуникациялар соҳасида халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш, устувор лойиҳаларни амалга ошириш, радиочастоталик спектрдан самара-

ли фойдаланиш учун ҳамда вазирлик фаолияти доирасига кирувчи бошқа йўналишлар бўйича хорижий инвестицияларни жалб этиш.

Фармонда белгиланганидек, Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилинган қарорлари вазирликлар, идоралар, компаниялар, уюшмалар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектлар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади.

Вазирликлар, идоралар, компаниялар ва уюшмаларнинг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг раҳбарлари ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича комплекс дастурларнинг ўз вақтида ва тўла-тўқис амалга оширилиши, "электрон ҳукумат" хизматлари ва ахборот тизимлари жорий этилиши учун шахсан жавобгар бўладилар.

Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига ахборот-коммуникация технологиялари ҳамда интерактив давлат хизматлари татбиқ этилиши даражаси, самарадорлиги ва сифатига баҳо бериш натижалари вазирликлар, идоралар, компаниялар, уюшмалар, йирик корхоналар ва бирлашмалар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарларининг эгаллаб турган лавозимларига муносиб эканликларини кўриб чиқиш учун асос ҳисобланади.

Ҳужжатда Вазирлар Маҳкамасига икки ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги фаолиятини ташкил қилиш тўғрисидаги қарори лойиҳасини ўрнатилган тартибда тасдиқлаш учун киритиш вазифаси юкланган.

Шунингдек, Фармонда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида"ги 2012 йил 16 октябрдаги ПФ-4475-сонли Фармони ўз кучини йўқотган деб ҳисобланиши, 4, 5 ва 8-бандлари бундан мустасно эканлиги қайд этилган.

ccitt.uz

МУЛОҚОТ

2015 йилнинг 7 феврал куни Тошкент шаҳрида жойлардаги давлат ҳокимияти органлари вакиллари учун Қонунчилик ҳужжатларининг самарадорлигини баҳолаш тизими билан ишлашга бағишланган видеоконференция ташкил этилди.



риш жараёнида ушбу йўналишда жаҳоннинг етакчи мамлакатлари тажрибаси ҳам пухта ўрганилди.

Ушбу тизим аҳоли ва тadbirkorлик субъектларига интернет тармоғида тadbirkorлик фаолиятига оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар муҳокамасида иштирок этиш, фикр-мулоҳазаларини билдириш, меъёрий ҳужжат лойиҳаларини такомиллаштириш юзасидан тажриба алмашиш имкониятини яратиб берди.

Шу билан бирга, тизим ёрдамида юртдошларимиз амалдаги меъёрий ҳужжатларнинг тadbirkorлик фаолиятига таъсирини ва самарадорлигини Ягона порталда жойлаштирилган махсус сўровномани тўлдириш орқали баҳолашда ҳам иштирок этишлари мумкин.

Видеосеминар давомида ташкилотчилар иштирокчиларнинг давлат ҳокимияти ва бошқарувида ахборот технологияларини самарали жорий этиш, меъёрий ҳужжатларни онлайн муҳокама қилиш тизимининг истиқболдаги вазифаларига оид саволлари юзасидан жавобларини билдирдилар.

Айтиш жоизки, Ягона порталда тadbirkorлик фаолиятига таъсир этувчи ишлаб чиқилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини муҳокама қилиш ва қабул қилинган норматив ҳужжатларни баҳолаш бўйича янги тизим 2015 йилнинг январ ойида ишга туширилган эди.

Видеомулоқот жараёнида Қонунчилик ҳужжатларининг самарадорлигини баҳолаш тизими, унинг афзалликлари ҳамда тизим билан ишлашда масъул мутахассислар олдига қўйилган вазифалар хусусида маълумот берилди. Давлат ҳокимияти органлари вакиллари тизим билан ишлаш, зарур сўровномани тўлдириш ва тизимнинг бошқа имкониятларидан унумли фойдаланиш юзасидан кўникмалари мустаҳкамланди.

Қонунчилик ҳужжатларининг самарадорлигини баҳолаш тизими Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 7 апрелдаги "Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 4609-фармонида белгилаб берилган вазифаларни амалга ошириш юзасидан жорий қилинган. Тизимни ишга туши-

СОҲА УЧУН КАДРЛАР

ТАТУда уларни тайёрлаш сифатини ошириш муаммоларига бағишланган конференция бўлиб ўтди.

Тошкент ахборот технологиялари университетиде "Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси учун кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш муаммолари"га бағишланган анъанавий илмий-услубий конференция бўлиб ўтди.

Анжумани университет ректори Х.Муҳитдинов кириш сўзи билан очди. Конференция ялпи мажлисида университет халқаро алоқалар бўлими бошлиғи С.Юсупов ТАТУ профессор-ўқитувчиларининг чет эл олий ўқув юртларида малака ошириши натижалари ва у ерда университетдан танлов асосида юборилган талабалар учун ташкил қилинган ўқув шaroитлари ҳақида, "Педагогикада ахборот технологиялари" кафедраси мудири, доцент Э.Мигранова "Инновацион технологияларнинг олий педагогик таълим сифатига таъсири" мавзусида маъруза қилишди.

Илмий-услубий конференцияда еттита секцияда турли мавзулардаги 380та маъруза тингланди ва уларнинг бир қисмини ўқув жараёнига татбиқ қилиш ҳақида қарор қабул қилинди.

Конференцияда ЎЗМУ, ТДУ, ЎЖТУ, ЎДЖТИ, ТДПУ, ТТА, ТМИ ва бошқа олий ўқув юртларидан келган вакиллар 40дан ортиқ маъруза билан қатнашиб, ўз тажрибалари ва ўқув жараёнида эришган ютуқлари ҳақида сўзлаб бердилар. Меҳмонлар университетнинг мутахассислик кафедраларида замонавий ахборот-педагогик технологияларидан фойдаланиб олиб борилаётган машғулотлар билан танишишди.

Ўз мухбиримиз



МЕҲНАТ МУҲОҒАЗАСИ

ХАВФСИЗ МЕҲНАТ — ИШДА БАРАКОТ

Дарҳақиқат, қайси меҳнат жамоасида ходимлар учун етарли меҳнат шароити яратилар экан, ўша ерда ишда унум, барака бўлади. Шунинг учун ҳам алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари тизимидаги ташкилотларда меҳнатни муҳофаза қилиш тadbirkorлигининг бажарилиш ҳолати ва ходимларга яратилган хавфсиз меҳнат шароитлари тўғрисидаги масала ўтган йилнинг 26 декабрида Давлат алоқа кўмитаси Ҳайъати ҳамда Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси республика кенгаши Раёсати қўшма мажлисида атрофлича муҳокама этилган эди.

Мажлисида соҳа корхона ва ташкилотларида ҳар йили меҳнатни муҳофаза қилишнинг низом, қоида ва меъёрлари ҳамда меҳнат хавфсизлигини таъминлаш талаблари асосида иш шaroитларини яхшилаш, ишлаб чиқаришдаги жароҳатланишларнинг касб касалликларининг олдини олишга қаратилган Битим ва чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, бизнес-режаларда молялаштирилган ҳолда белгиланган тadbirkorларни амалга оширишда муайян ишлар бажарилаётганлиги алоҳида таъкидланди. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 сентябрдаги "Ходимлар меҳнатини муҳофаза қилиш чора-тадбирларини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги 263-қарори дастуриламал бўлиб хизмат қилляпти.

"Ўзбекистон почтаси" АЖ Тошкент филиалининг меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси муҳандиси Баҳром ЎСАПОВ билан

филиал таркибидаги почта алоқаси тармоқларда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақида сўхбатлашдик.

— Тасдиқланган режа тadbirkorларини амалга ошириш ва ходимларга хавфсиз меҳнат шароитларини яратишга 2014 йилда 13,688 минг сўмдан кўпроқ маблағ ажратилган эди, — деди Б.Ўсаров. — Режага асосан бу пуллар туманлар почта алоқаси тармоқларида фаолият кўрсатаётган ходимларни биринчи ёрдам кўрсатиш дори қути ва дори-дармонлар, шахсий химоя воситалари, касб касалликларини олдини олувчи ҳамда оммавий касб эгаларини махсус кийим-бош ҳамда хоналарни меҳнатни муҳофаза қилишга тарғиб этувчи воситалар билан таъминлаш, шунингдек, бино ва хоналар ички қисмининг майда таъмири ҳамда дезинфекцияловчи моддалар сотиб олиш учун сарф этилди. Биргина вилоятимиз почта алоқа-

си ходимларини бахтсиз ҳодисалардан мажбурий суғурталаш учун 3 миллион 528 минг сўмдан ортиқ маблағ ишлатилган бўлса, иш жойларини шаходатлаш ҳамда ишчи-хизматчиларни тиббий кўрикдан ўтказишга жами икки миллион сўм сарфланди. Шунингдек, Давлат алоқа кўмитаси Ҳайъати ҳамда Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси республика кенгаши Раёсати қўшма ййгилишида кўрсатиб ўтилган камчиликлар бартараф этилди.

Жорий йилги ишлар учун 23280 минг сўм маблағ режалаштирилиб, тadbirkorлар босқичма-босқич амалга ошириляпти. 2015 йил учун белгиланган режанинг тўлиқ бажарилишини таъминлаш, ходимларга яратилган хавфсиз меҳнат шароитларига риоя этилишига бўлган талабни янада кучайтириш мақсадида филиалимизга қарашли 18та ПАТда меҳнатни муҳофаза қилиш ишларини амалга

оширувчи муҳандислар махсус ўқув курсларида ўқитилди, тест синовларидан ўтказилиб, сертификатлар берилди. Улар бугунги кунда ўқув жараёнида ўрганганларини амалда татбиқ этиш учун астойдил ҳаракат қилишаётир. Филиалимиз таркибидаги почта алоқаси тармоқларида меҳнатни муҳофаза қилиш режа-тадбирларининг бажарилиши ва ходимларга яратилган хавфсиз меҳнат шароитларига риоя этилиши ҳолатини яхшилашда ҳар йили анъанавий тарзда ўтказилиб келинаётган "Намунали почта алоқаси тармоғи" кўрик-танловининг аҳамияти катта бўлаётир. Кўрик-танловга тайёргарлик жараёнида меҳнат муҳофазаси учун масъул ходимлар зиммаларидаги вазифа масъулияти, шунингдек, ходимлар иш самарадорлигининг юқори бўлиши ишни қай даражада ташкил этишларига боғлиқ эканлигини янада чуқурроқ ҳис этадилар. Шу сабабли, биз ушбу тadbirkorни пухта режалаштиряпмиз. Мақсадимиз — ҳар бир почта алоқаси ходими етарли шароитларда меҳнат қилишига эришиш.

Муборак МИРКАМОЛОВА
ёзиб олди

◀ 1-бет

Пешқадамлар сафида

Навоий вилояти Компютерлаштириш маркази Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 1 февралдаги "Жойларда компютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 24-қарори ҳамда вилоят ҳокимининг 2012 йил 6 февралдаги 17-қарори билан давлат унитар корхонаси мулкчилик шаклида қайта ташкил этилган. Марказнинг самарали фаолият юритиши учун ҳокимлик томонидан барча шарт-шароитлар яратилган. Ҳокимлик маъмурий биносидан бешта хона ажратилган бўлиб, замонавий оргтехника ва компютер техникалари, барча зарур жиҳозлар билан таъминланган. Мар-



Компютерлаштириш маркази ходимлари.

Навоий вилояти:

УЛЖАН ИМКОНИЯТЛАР

казда олий ва ўрта-махсус маълумотли етук мутахассис ходимлар фаолият юритмоқда.

— Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 31 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ҳолатини баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 355-қарори ҳамда вилоят ҳокимининг 2014 йил 17 февралдаги "Интернет тармоғида Навоий вилояти ҳокимлигининг интерактив давлат хизматлари порталини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори талабларига мувофиқ ҳокимликнинг расмий портали (www.navoi.uz) замонавий кўринишда янгиланди, — дейди вилоят Компютерлаштириш маркази директори Мансуржон МУРТАЗАЕВ. — Ушбу порталда вилоятда фаолият олиб бораётган давлат ва ҳўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қирққа яқин хизматларининг интерактив шаклда кўрсатилиши бўйича маълумотлар портал бўйлаб жойлаштирилган (2014 йил бошида фақат 12та интерактив хизмат мавжуд эди). Ушбу интерактив давлат хизматлари орқали вилоят аҳолиси ва тадбиркорлик субъектлари учун вақт ҳамда маблағни тежаган ҳолда сифатли давлат хизматларидан фойдаланишга катта имкон яратилди ва бевосита ушбу портал орқали Ягона интерактив давлат хизматлари портали (www.pu.gov.uz)га мурожаат этиш имконияти пайдо бўлди. Бу эса мамлакатимизда "Электрон ҳукумат" тизимига ўтишда яна бир муҳим қадам ҳисобланади.

Бундан ташқари, ушбу порталнинг маълумотномалар бўлимига вилоятдаги таълим ва тиббиёт муассасалари, олий ўқув юртлири, ФХДЁ органлари, давлат архиви идоралари, маҳаллалар, ички ишлар бўлимлари, тижорат банклари, солиқ инспекциялари ва молия муассасалари, ахборот-ресурс марказлари, давлат нотариал идоралари, сугурта компаниялари ҳамда меҳмонхоналар тўғрисидаги маълумотлар ҳам жойлаштирилган. Ушбу портал орқали Навоий вилоят ҳокими қабулига ёзилиш, онлайн қабулхона, фуқаролар мурожаати, шаҳар ва туман ҳокимларига таклиф ёки шикоятлар билан мурожаат этиш каби бир нечта янги бўлимларнинг жорий этилганлиги ҳам АКТ соҳасида вилоятда амалга оширилаётган ишларга яққол мисол бўла олади.

Вилоятнинг Кармана, Хатирчи, Нурота, Томди туманлари, Навоий ва Зарафшон шаҳарлари ҳокимликларининг ўз расмий веб-сайтлари яратилди, мавжудлари эса Вазир-

лар Маҳкамасининг 2013 йил 31 декабрдаги 355-қарори талабларига мувофиқ янгиланди.

Электрон ахборот — юқори имконият

Маълумки, давлат ва бошқарув органлари орасида электрон ахборот алмашишда энг кўп қўлланиладиган тизим электрон хат алмашиш тизимидир. Вазирлар Маҳкамасининг "Вазирлар Маҳкамасининг Ижро этувчи аппарати билан давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ўртасида ҳимояланган ягона корпоратив электрон почтани ва электрон ҳужжат айланиш тизимини жорий этиш чоралари тўғрисида"ги 126-қарори талабларидан келиб чиқиб, Навоий вилояти, шаҳар ва туман ҳокимликларидан (is doc flow) электрон ҳуж-

таъминлаш борасида ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Бу, ўз навбатида, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар тўғрисидаги ахборотлар билан республикамиз аҳолиси ва хорижий давлатларни мунтазам хабардор қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 21 мартдаги "Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 1730-қарорининг ижроси юзасидан Навоий вилоятида ўз расмий веб-сайтига эга бўлиши зарур деб топилган 38та давлат ва ҳўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари рўйхати шакллантирилди. Булардан 10таси шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳамда 28таси давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларидир. Бугунги кунда шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳамда давлат ва ҳўжалик бошқаруви органларидан 35таси ўз расмий веб-сайтига эга.

“

Компютерлаштириш марказининг барча ходимлари 2014 йил октябр ойида Компютер саводхонлигини баҳолаш тизими бўйича аттестациядан муваффақиятли ўтди.

”

жат айланиш тизими бошқарувнинг бутун вертикали бўйича ташкил этилиб, вилоят ҳокимлигининг қарор ва фармойишлари, йиғилиш баённомалари ҳамда топшириқлари вилоят корхона ва ташкилотларига, туман ҳокимликлари орқали эса туман корхона ва ташкилотларигача қозғосиз электрон шаклда етказилишига эришилди. Бу билан эса вилоят ҳокимлигига келиб тушган ҳужжатларни тез фурсатда тегишлича туман, шаҳар ҳокимликларига ёки корхона ва ташкилотларга етказиш имконияти яратилди.

Ушбу тизим имкониятлари юқори даражада бўлиб, ижро учун келган ҳужжатларнинг ижро муддати яқинлашаётганини билдириб турувчи индикаторлар ўрнатилган ҳамда ижро бўйича маълумотларни ҳам ушбу тизимга жойлаштириш мумкин.

Давлат идоралари веб-сайтларда

Интернет тармоғида давлат идораларининг веб-сайтларини ташкил этиш ҳамда уларнинг самарали фаолият кўрсатишини

Интернет, телекоммуникация

Бугунги кунда вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликларининг барча ходимлари юз фоиз компютер техникаси билан таъминланиб, ички ва корпоратив компютер тармоқларига уланган, барча ходимлар ҳамда давлат мукофотларига эга шахсларнинг электрон базалари шакллантирилган.

Вилоятда интернетдан фойдаланувчилар сони 2014 йил якуни бўйича 257 мингдан зиёд ташкил этади (1000 фуқарога ўртача 282та фойдаланувчи тўғри келмоқда), шундан 241 мингдан зиёди мобил интернетдан, 15 мингдан ортиғи эса (FTTX, ADSL, EVO технологиялари бўйича) симли интернетдан фойдаланувчилар (2014 йил бошида 13 мингта)дир.

2015 йилнинг бошида интернет тармоғига уланган ҳўжалик бошқаруви органларининг сони 979тага етган (2014 йил бошида 904та бўлган).

Вилоятдаги тадбиркорларни рўйхатга олиш марказлари томонидан ҳужжатларни электрон шаклда қабул қилиш йўлга қўйилиши натижасида 686та тадбиркор электрон шаклда рўйхатдан ўтказилди.

Вилоятда ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш, электрон ҳужжат айланиш тизимларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, шунингдек, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига кўрсатилаётган интерактив давлат хизматлари сифатини ошириш мақсадида қарор



Навоий вилоятида қўлай инвестицион муҳит шаклланимодо.

ЧОРРАҲАСИДА

қабул қилиниб, вилоят ҳоқими раҳбарлигида алоқа ва ахборотлаштириш соҳасини ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгаш ташкил этилди.

Ўтган йили манзилли дастур рўйхатига киритилган Навоий шаҳридаги 23та аҳоли тураржой биноларига 2,3 км. масофада оптик толали алоқа линиялари ётқизилди ва ускуналар ўрнатилди. 2014 йил режасига киритилган Навоий шаҳридаги 225-АТС биносида

28499,5 минг сўмлик, 224-АТС биносининг биринчи қаватида 14200,0 минг сўмлик таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

Маҳаллий тармоқ линия-кабел хўжаликларида капитал таъмирлаш бўйича белгиланган режа хўжалик услубида юз фоизга бажарилиб, 57252,3 минг сўмлик таъмирлаш ишлари олиб борилди.

Бугунги кунда "Ўзбектелеком" АК томонидан интерактив телевидение технологияси асосида IPTV ишга туширилди ва бу хизматдан барча шаҳар ва туман марказларида фойдаланиш имконияти яратилди.

2014 йилда ФТТБ лойиҳаси асосида Навоий шаҳрида 1608 порт абонентга мўлжалланган 22,4 км. оптик толали кабел, Зарафшон шаҳрида 760 порт абонентга мўлжалланган 13,28 км., Учқудуқ шаҳрида 336 порт абонентга мўлжалланган 6,25 км. ва Навоий шаҳрида GPON технологияси асосида 1536 портга мўлжалланган 5,574 км. оптик толали кабел ётқизилди.

Айни дамда вилоят аҳолисига телекоммуникация хизматлари кўрсатувчи провайдер ва операторлар сони ўнтини ташкил этади. Уларнинг вилоятдаги барча шаҳар ва туман марказларида ҳамда аҳоли масканларида ўрнатилган жиҳозлари ёрдамида аҳолига сифатли интернет ва телекоммуникация хизматлари кўрсатиб келинмоқда. Аҳоли талабидан келиб чиқиб, келажакда мобил алоқа ҳамда интернет қамровини кенгайтириш бўйича мазкур корхоналар етарли имкониятларга эга.

Фуқаролар муурожаати электрон шаклда

Вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликларида "Фуқаролар муурожаатлари" билан ишлаш, келиб тушган муурожаатларнинг электрон

хисоботларини юритиш бўйича янги ахборот тизими ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 16 июлдаги "Статистик, солиқ, молиявий хисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 4453-фармони ижроси бўйича, вилоятда солиқ ва статистик хисоботларни электрон шаклда тақдим этишга

қаратилган тушунтириш, тарғибот ишлари билан бир қаторда хисоботларни топширишга кўмаклашувчи маслаҳат марказлари ташкил этилиб, тадбиркорларга қўлайлик яратилмоқда. Солиқ хисоботларининг 99 фоизи ва статистик хисоботларнинг 95 фоизи электрон шаклда тақдим этиляпти.

Билимли ходим — уқувли ходим

"Электрон ҳукумат" тизими доирасида вилоятдаги давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбар ва мутахассис ходимларининг компютер саводхонлиги ва ахборот-коммуникация технологиялари бўйича билим ва кўникмаларини ошириш учун Тошкент ахборот технологиялари университети билан ҳам-

корликда малака ошириш курсларини ташкил этиш режа-жадвали ишлаб чиқилди. Вилоятдаги давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ходимларини АКТ соҳасида малакаларини ошириш мақсадида, ТАТУнинг Урганч филиали билан ҳамкорликда Навоий давлат кончилиқ институти биносида ўқув курслари ташкиллаштирилган. Ўқув курсларида корхона, ташкилот ва муассасаларнинг мингдан ортиқ мутахассис ва ходимлари ўқитилди ва бу борадаги ишлар давом этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 27 октябрдаги "Давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий Давлат ҳокимияти органлари ходимларининг малакаси ва кўникмаларини оширишга доир кўшимча чора-тадбирлар ҳамда уларни ишда компютер техникаси ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш юзасидан Аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисида"ги 289-қарори ижроси доирасида "Компютер саводхонлигини баҳолаш тизими" (КСБТ) тест жараёнига жалб этиш бўйича жами 1231 нафар ходим рўйхати шакллантирилган, шулардан 1099 нафар (89 фоиз) ходим тестга жалб этилган бўлиб, 801 нафар (73 фоиз)и тестдан муваффақиятли ўтди.

Лойиҳалар

Миллий ахборот-коммуникация тизимини янада ривожлантириш Комплекс дастури доирасида жорий йилда ҳам вилоятда бир қатор лойиҳаларни амалга ошириш режалаштирилган, жумладан, телекоммуникация соҳасида:

- телекоммуникация соҳасида аҳолига кўрсатилаётган кўшимча хизмат турларини кенгайтириш, алоқа сифатини яхшилаш, маълумотлар узатиш тармоқларини модернизация қилиш мақсадида ФТТх лойиҳаси асосида умумий қиймати 468,33 млн. сўм маблағ хисобига вилоятнинг Навоий, Зарафшон шаҳарлари ва Учқудуқ тумани учун мўлжалланган 41,9 км. оптик толали кабел ётқизиш;

- 3- ва 4-чорақларда вилоят бўйича NGN (Янги авлод тармоқлари) технологияси асосида коммутация қурилмаларини кенгайтириш орқали қарийб 1349 млн. сўм қийматли, жами 8512 портли 7 дона MSAN қурилмасини ишга тушириш;

- 4-чорақда 700 млн. сўм қийматли "Корпоратив секторга мультимедиа хизматларини кўрсатиш учун студия ташкил этиш" лойиҳасини амалга ошириш.

Шунингдек, вилоятда "Электрон ҳукумат" тизими элементларини ташкил этиш мақсадида:

- вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари ўртасида оптик алоқа линиялари орқали тезкор ахборот алмашиш, видеомулоқот тармоғини ташкил этиш;

- коммунал соҳада аҳолига кўрсатилаётган хизматларни автоматлаштириш бўйича "E-Kommunal" ахборот тизимини тўлиқ татиб қилиш;

- маҳаллий давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ҳокимликлар томонидан аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига тақдим этилаётган амалдаги хизматларни интерактив усулга ўтказиш ҳамда ушбу хизматлар умумлашган ҳолда "Навоий вилояти ҳокимлигининг интерактив давлат хизматлари портали" орқали кўрсатилишини йўлга қўйиш ҳамда мазкур портални Ягона интерактив давлат хизматлари портали билан

ўзаро интеграция қилиш каби интерактив хизматлар ва ахборот тизимлари ишга туширилади.

"Электрон ҳукумат" тизими доирасида вилоятдаги давлат

ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг раҳбар ва мутахассис ходимлари, шунингдек, аҳолининг компютер саводхонлигини ошириш бўйича ўқув машғулотларини ташкил қилиш ҳам кўзда тутилган.

Бу улкан режалар мамлакатимизда барча соҳалар бўйича ўзига хос мавқега эга бўлган Навоий вилоятда бекам қўст амалга оширилишига асло шубҳа йўқ!

Маруза ҲОСИЛОВА,
Усмонжон ЙЎЛДОВЕР,
"Xabar" мухбири

Выставка андроидов

В Ташкентском университете информационных технологий завершился учебный тренинг-семинар на тему: "Разработка приложений для операционной системе Android".

В нем приняло участие более 50 студентов Ташкентского университета информационных технологий, Ташкентского профессионального колледжа информационных технологий, Ташкентского профессионального колледжа связи и Куйи Чирчикского профессионального колледжа транспорта и сервиса, с участием 3 профессоров и 9 одаренных студентов-волонтеров Корейского национального университета транспорта.

6 февраля в Ташкентском университете информационных технологий состоялось торжественное закрытие тренинга-семинара. Во время церемонии была заслушана лекция ректора ТУИТ Х.Мухитдинова на тему: "Перспективы развития ИКТ в Узбекистане".

В рамках семинара была проведена ярмарка программных продуктов. Преподавателям и студентам, принявшим участие в мероприятии, были выданы сертификаты об окончании данного курса и поощрительные призы.

UzMobile открывает новую нумерацию в регионах

CDMA-оператор UzMobile сообщил об открытии новых номерных емкостей в регионах страны.

С 9 февраля 2015 года открывается новая нумерация в Андижанской, Самаркандской, Сурхандарьинской и Кашкадарьинской областях.

Андижан: 204-0000 — 204-9999

Самарканд: 560-0000 — 560-9999

Сурхандарьинская область: 651-0000 — 651-9999

Кашкадарьинская область: 681-0000 — 681-9999.

Ваше мнение на Fikr.uz

В этом году Образовательная сеть Ziyonet отмечает десятилетний юбилей. Ему посвящаем серию публикаций о проектах Ресурсного центра.

Хотите вести блог не заморачиваясь с настройками, оформлением и пиаром, на узбекском или на русском языке? Пожалуйста — для этого и создана блогговая площадка Fikr.uz.

Просто заходите, авторизуетесь через ID.uz (предварительно над получить регистрацию на ID.uz, что дает доступ ко многим проектам Узнета) — и все, можете сразу вести свой блог и комментировать топики всех участников Fikr.uz. А их сейчас 7520. Соответственно, и столько же персональных блогов. Не все участники, конечно, активно ведут блоги и комментируют, зато те, кто ведут получают "силу" и "рейтинг". Эти показатели автоматически считаются по закрытым формулам с учетом количества публикаций, оценок публикаций и комментариев другими пользователями. Самых "сильных" участников можно посмотреть в рейтинге пользователей. Соответственно и оценки вами действий других участников пропорциональны вашей "силе".

Блогговая площадка Fikr.uz запущена в июне 2010 года. За четыре с половиной года опубликовано более 15 000 топигов

(записей, публикаций), как в персональных, так и в тематических блогах. Тематический блог для обсуждения интересной темы может создать любой пользователь. Всего таких блогов создано 360, также есть система ключевых слов (тегов), объединяющих разные топики и блоги. Самый посещаемый из них — тег о психологии на узбекском языке <http://www.fikr.uz/tag/psixologiya/>.

А самая посещаемая публикация об Алишере Навои <http://fikr.uz/posts/roems/4518.html> — это естественно в день его рождения.

Вообще Fikr.uz популярен, в топ-рейтинге WWW.uz. На прошлой неделе выходил на первой странице, опережая многие популярные сайты Узнета. В некоторые дни посещаемость превышает 3000 человек, это прилично для нашего сегмента Сети.

Если заинтересовались, то есть статьи Fikr.uz — там, где живут мысли — о старте проекта, и ХаброФикр — об истории блогговых площадок на примере Хабрахабра и Fikr.uz.

www.uzinfocom.uz

Почему заголовок "Ваше мнение на Fikr.uz"? Потому что "фикр" переводится как "мнение" — делитесь своим мнением, защищайте его, узнавайте мнения друзей — это интересно, познавательно и превращается в хорошее увлечение.

Книга – путь к обогащению знаний

Интерес и внимание к литературе, к поэзии олицетворяет собою светлое будущее, служит надежной основой для духовного и интеллектуального развития человека и способствует достижению заветной цели. Несмотря на то, что сегодня на дворе царит XXI век — век информационных технологий, число книголюбов растет с каждым днем.

В областном информационно-библиотечном центре имени Сайидо Насафий города Карши всегда многолюдно. Книжный фонд данного центра составляет более 400 тысяч экземпляров различных произведений, как научных, учебных, художественных, классических, так и современной национальной литературы, а количество читателей превысило восемнадцать тысяч. В актовом зале и просторных светлых читальных залах постоянно организуют торжественные мероприятия и литературные вечера.

Студенты вузов, учащиеся колледжей и лицеев, школьники демонстрируют свои знания о книгах, читают стихи и поэмы по произведениям знаменитых представителей узбекской классической литературы Алишера Навои, Бабура, Физули, современных национальных поэтов Зульфии, Хамида Алимджана, Раима Фархади, Абдуллы Арипова. В честь сто-

летия узбекской поэтессы Зульфии здесь открыли выставку ее книг, сборников стихов о Родине, о чудесах природы.

Более 100 книголюбов из Каршинского государственного университета, Каршинского инженерно-экономического института участвуют в интеллектуальных играх и викторинах на темы: "Нет лучше друга, чем книга", "Книга — мой добрый наставник", "Кто самый умный", "Люблю читать".

— Для нас, читателей, здесь в ИБЦ предоставлены все возможности для занятий. В широком ассортименте представлены богатый книжный фонд, печатные продукции ведущих издательств нашей республики, полиграфических предприятий, которые из года в год способствуют повышению значения и роли узбекской национальной литературы, пособий, научных книг в международном сообществе. Не только жители нашего города, но и люди с разных уголков области с глубоким интересом знакомятся из книг с узбекскими замечательными

традициями, богатым культурным наследием узбекского народа, творчеством писателей и поэтов, — говорит студентка Каршинского государственного университета А.Асомова.

Члены союза писателей Узбекистана Исмоил Тухтамышев, Шарофат Ашурова, Мухаммад Очил частые гости областного ИБЦ. Они рассказывают о новинках в книжном деле, делятся творческими достижениями, знакомят читателей с произведениями и повестями писателей республики и области.

Здесь уделено особое внимание созданию наилучших условий в читальных залах. Например, есть читальный зал для школьников, где можно выбрать детскую художественную литературу, сказки и фотоиллюстрации, в большом читальном зале работают студенческая молодежь, учащиеся колледжей и лицеев. Особый интерес представляет зал, в котором сосредоточены произведения Президента Республики Узбекистан, книги и фотоальбомы об истории Узбекистана, о Независимости нашей Родины, о разительных переменах, произошедших в республике благодаря независимости.

Сотрудники ИБЦ согласно плану мероприятий организуют смот-

ры-конкурсы "Самый лучший книголюб", "Читающая семья", "Любите ли вы книги?", выявляют имена победителей, вручают им памятные призы и грамоты областного хокимията, общественного молодежного движения "Камолот", областного отделения Союза писателей Узбекистана и других общественных организаций.

В круг важных задач коллектива областного информационно-библиотечного центра входит и оказание практической помощи информационно-ресурсным центрам учебных заведений, учреждениям культуры, библиотекам всех районов Кашкадарьи. Ведущие специалисты библиотечного дела дают много полезной информации о том, как поставлены работы по развитию книжной отрасли, как организовать на современном уровне обслуживание абонентов. В центре внимания находятся и вопросы обеспечения интересной литературой и юных читателей. Для них имеются интересные красочные книги о родной земле, об Узбекистане, дети охотно выбирают народные сказки и буклеты. Как видно, книги являются незаменимой духовной пищей для каждого человека и помогают гармоничному развитию личности.

Афтондил ИСМОИЛОВ,
корреспондент газеты "Xabar"
Кашкадарьинской области




Афоризм

Великодушный славой знаменит,
А малодушный жизнь сама срамит.

Алишер НАВОИ

Хабарлар +tv



5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 'Ассалом, Ўзбекистон!'
6.00 Миллий сериал: 'Чемпионлик олувчи'
7.30 'Замин гаройиботлари'. Х/ф.
8.00 Таҳдиднома.
8.40 'Усинмиллар ҳаёти'. Х/ф.
9.30 'Руднавос'. Т/с.
10.10 'Ватанпарвар'.
10.50 'Нотариус маслаҳати'.
11.00 'Абобор'.
11.10 'Муқаддас рингалар'. Т/с.
11.45 'Табият мўжизаси'. Х/ф.
12.00 'Ассалом, Ўзбекистон!'.
13.00 'Комиссар Рекс'. Т/с.
13.50 'Хива: Қўдша Арк'.
14.00 'Абобор'.
14.15 'Зиё' студияси: 'Этиқод муҳташамлиги ёўлуда'.
14.45 Миллий сериал: 'Вақт қадри'.
15.20 'Сайёранар'. Х/ф.
15.45 'Курганларимиз ҳақида'.
16.10 'Бизимдун'. Интеллектуал танлов.

17.00 'Абобор'.
17.10 'Сўхбатдош'.
17.20 'Агролаам'.
17.40 'Қорчиқ'.
18.00 'Кўнгли кўнгли истайди'.
18.15 'Бахтим шўл - Ўзбекистон Эўзбекистан'.
18.20 'Никингон'.
18.40 'Доктор Хаус'. Т/с.
19.25, 20.00 'Эълолар'.
19.30 'Абобор' /рус/.
20.00 'Муқаддас рингалар'. Т/с.
Премьера.
20.40 'Таҳдид-24'.
21.00 'Абобор'.
21.40 'Мунсабат'.
22.35 'Кўнгли кўнгли истайди'.
22.35 - 00.15 'Муҳаббат ила'. Б/ф.
00.15 'Агролаам'.
00.30 'Курганларимиз ҳақида'.
0.40 'Абобор' /рус/.
1.31 Миллий сериал: 'Вақт қадри'.
2.05 'Шаҳр тароналари'.
2.20 Теле Театр 'Девона'. 1-қисм.
3.00 'Ассалом, Ўзбекистон!'.
4.00 'Абобор'.
4.40 Миллий сериал: 'Чемпионлик олувчи'.
5.10 - 5.55 'Ватанпарвар'.

6.00 'Вақт меҳри'.
6.10 'Тарангум'.
6.30 'Жайда гули'. Т/с.
7.30 'Ешиқ наволар'.
7.50 'Қасоскор замин'. Т/с.
9.10 'Абсона ва қалқан'.
10.00 'Қамолот-нифо'.
10.10 'Вельвет галереяси'. Т/с.
11.00 'Галактика'. Х/с.
12.00 'Оғтин тупрок'.
12.00 'Доктор Кунин'. Т/с.
12.50 'LizEX'.
13.00 'Давр'.
13.10 'Қочқор'. Б/ф. 1-қисм.
14.20 'Зар замин'.
15.00 'Мўъжизавий дунё'.
16.00 'Давр'.
16.10 'Афсунагар'. Т/с.
17.00 'Қамолот-нифо'.
17.10 'Ўзбек алабитети'.
17.30 'Соғлом ҳаёт'.
18.50 'Чангалдор қироли'. Б/ф.
18.50 'LizEX'.
19.00 'Давр'.
19.30 'Сарой жаҳондори'. Т/с.
20.20 'Навоий набиралари'.
20.50 'Ешиқ наволар'.
21.10 'Вельвет галереяси'. Т/с.
22.00 'Давр'.
22.30 'Доктор'. Т/с.
22.50 'Абсона ва ҳақиқат'.
00.10 'Зар замин'.
00.50 'Жаҳон мусиқаси'.
2.20 'Галактика'. Х/с.
3.10 'Тарангум'.

6.00 'Вақт меҳри'.
6.10 'Тарангум'.
6.30 'Жайда гули'. Т/с.
7.30 'Ешиқ наволар'.
7.50 'Қасоскор замин'. Т/с.
9.10 'Абсона ва қалқан'.
10.00 'Қамолот-нифо'.
10.10 'Вельвет галереяси'. Т/с.
11.00 'Галактика'. Х/с.
12.00 'Оғтин тупрок'.
12.00 'Доктор Кунин'. Т/с.
12.50 'LizEX'.
13.00 'Давр'.
13.10 'Қочқор'. Б/ф. 1-қисм.
14.20 'Зар замин'.
15.00 'Мўъжизавий дунё'.
16.00 'Давр'.
16.10 'Афсунагар'. Т/с.
17.00 'Қамолот-нифо'.
17.10 'Ўзбек алабитети'.
17.30 'Соғлом ҳаёт'.
18.50 'Чангалдор қироли'. Б/ф.
18.50 'LizEX'.
19.00 'Давр'.
19.30 'Сарой жаҳондори'. Т/с.
20.20 'Навоий набиралари'.
20.50 'Ешиқ наволар'.
21.10 'Вельвет галереяси'. Т/с.
22.00 'Давр'.
22.30 'Доктор'. Т/с.
22.50 'Абсона ва ҳақиқат'.
00.10 'Зар замин'.
00.50 'Жаҳон мусиқаси'.
2.20 'Галактика'. Х/с.
3.10 'Тарангум'.

ДУШАНБА — 16 ФЕВРАЛ

3.50 'Мўъжизавий дунё'.
4.40 'Доктор Кунин'. Т/с.
5.30-6.00 'Давр'.
5.55 'Яғонсан, муқаддас Ватаним'.
6.00, 8.00, 12.00, 16.00, 18.00, 20.00.
'Ройтахт'.
6.55 Миллий сериал: 'Ҳаёт жилағлари'. 26-қисм.
6.55 'Навоий маҳзини'.
7.00 'Тошкент вақти'.
7.30 'Сўратларга ҳаёт акиси'.
7.55 'Ишга марҳамат!'.
8.25 'Пойтахт-қульра'.
8.40 'Мисис гаувар'.
8.55 'Пойтахт-эко'.
9.05 'Лус Мария'. Т/с. 50-қисм.
9.50 'Ройтахт-спорт'.
10.00, 14.00, 22.00. 'Пойтахт' /рус тилида/.
10.20 'Снежини пето'. Х/ф.
11.50 'Ройтахт-авт'.
12.10 'Джунгли'. Д/ф.
13.00 'Тошкент вақти'.
13.30 'Ройтахт-героятга'.
14.10 'Кўнгли қўнглилар'.
14.40 'Қалр ортида'.
15.00 'Ройтахт-biznes'.
15.10 'Итиқом'. Т/с. 20-қисм.
15.50 'Ройтахт-спорт'.
16.10 'Рим тавилларида'. Б/ф.
17.50 'Ройтахт-Ни-тест'.
18.25 'Бахт кўрғони'.
18.50 'Ройтахт-integruv'.
19.00 'Лус Мария'. Т/с. /Премьера/
31-қисм.
19.45 'Теле-маркет'.
19.55 'Навоий маҳзини'.
20.00 'Royakh news'.
20.20 'Пойтахт шаҳарда'.
20.25 'Итиқом'. Т/с. /Премьера/
21-қисм.
21.15 'Пойтахт вуқларда'.
21.35 'Ройтахт-эко'.
21.45 'Теле-маркет'.
22.20 'Черное золото'. Х/ф.
00.05 'Ғадиқлар'.
00.35 'Саломат бўлинг!' телеурнали.
1.00 'Ройтахт-эко'.
1.10 'Джунгли'. Д/ф.
2.25 'Лик ва Жейн'. Б/ф.
3.50 'Ройтахт-biznes'.
4.00 'Тошкент вақти'.
4.50 'ДТВ' теледустари.
5.40 'Пойтахт вуқларда'.

5.55 'Яғонсан, муқаддас Ватаним'.
6.00, 8.00, 12.00, 16.00, 18.00, 20.00.
'Ройтахт'.
6.55 Миллий сериал: 'Ҳаёт жилағлари'. 26-қисм.
6.55 'Навоий маҳзини'.
7.00 'Тошкент вақти'.
7.30 'Сўратларга ҳаёт акиси'.
7.55 'Ишга марҳамат!'.
8.25 'Пойтахт-қульра'.
8.40 'Мисис гаувар'.
8.55 'Пойтахт-эко'.
9.05 'Лус Мария'. Т/с. 50-қисм.
9.50 'Ройтахт-спорт'.
10.00, 14.00, 22.00. 'Пойтахт' /рус тилида/.
10.20 'Снежини пето'. Х/ф.
11.50 'Ройтахт-авт'.
12.10 'Джунгли'. Д/ф.
13.00 'Тошкент вақти'.
13.30 'Ройтахт-героятга'.
14.10 'Кўнгли қўнглилар'.
14.40 'Қалр ортида'.
15.00 'Ройтахт-biznes'.
15.10 'Итиқом'. Т/с. 20-қисм.
15.50 'Ройтахт-спорт'.
16.10 'Рим тавилларида'. Б/ф.
17.50 'Ройтахт-Ни-тест'.
18.25 'Бахт кўрғони'.
18.50 'Ройтахт-integruv'.
19.00 'Лус Мария'. Т/с. /Премьера/
31-қисм.
19.45 'Теле-маркет'.
19.55 'Навоий маҳзини'.
20.00 'Royakh news'.
20.20 'Пойтахт шаҳарда'.
20.25 'Итиқом'. Т/с. /Премьера/
21-қисм.
21.15 'Пойтахт вуқларда'.
21.35 'Ройтахт-эко'.
21.45 'Теле-маркет'.
22.20 'Черное золото'. Х/ф.
00.05 'Ғадиқлар'.
00.35 'Саломат бўлинг!' телеурнали.
1.00 'Ройтахт-эко'.
1.10 'Джунгли'. Д/ф.
2.25 'Лик ва Жейн'. Б/ф.
3.50 'Ройтахт-biznes'.
4.00 'Тошкент вақти'.
4.50 'ДТВ' теледустари.
5.40 'Пойтахт вуқларда'.

6.05 Кўрсатувлар тартиби.
6.10 'Қораксалқот спорти'.
6.30 'Форулар келмаси'.
7.00 'SPORT-EXPRESS'.
8.00 ХАБАРЛАР.
8.30 'Sport Meeo'.
8.35 ФУТБОЛ. ГЕРМАНИЯ ЧЕМПИОНАТИ
10.20 'Шоҳназар аёга'.
11.00 'SPORT REPORT'.
11.10 Чана спорти. Жаҳон кубоги.
11.55 Рақамлар, натижалар, рефиллар.
12.00 'SPORT-EXPRESS'.
13.05 Фристайл. Жаҳон кубоги.
14.00 ХАБАРЛАР.
14.20 Дўлозо. Ўзбекистон чемпиони.
15.10 ФУТБОЛ. ГЕРМАНИЯ ЧЕМПИОНАТИ.
16.55 Теннис. АТР/ВТА турнири.
18.05 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 'Спорт сайраси'.
18.20 'Техно-спорт'.
18.30 ХАБАРЛАР.
18.55 'Болалар спорти'.

6.05 Кўрсатувлар тартиби.
6.10 'Қораксалқот спорти'.
6.30 'Форулар келмаси'.
7.00 'SPORT-EXPRESS'.
8.00 ХАБАРЛАР.
8.30 'Sport Meeo'.
8.35 ФУТБОЛ. ГЕРМАНИЯ ЧЕМПИОНАТИ
10.20 'Шоҳназар аёга'.
11.00 'SPORT REPORT'.
11.10 Чана спорти. Жаҳон кубоги.
11.55 Рақамлар, натижалар, рефиллар.
12.00 'SPORT-EXPRESS'.
13.05 Фристайл. Жаҳон кубоги.
14.00 ХАБАРЛАР.
14.20 Дўлозо. Ўзбекистон чемпиони.
15.10 ФУТБОЛ. ГЕРМАНИЯ ЧЕМПИОНАТИ.
16.55 Теннис. АТР/ВТА турнири.
18.05 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 'Спорт сайраси'.
18.20 'Техно-спорт'.
18.30 ХАБАРЛАР.
18.55 'Болалар спорти'.

20.25 Батонлар. Жаҳон кубоги.
20.35 'Футбол шарҳи'.
21.25 'SPORT-MARKET'.
21.30 ХАБАРЛАР.
21.50 'Sport Meeo'.
21.55 Жаҳон чемпионатларида: Тог қантиси.
Чана спорти.
23.40 'Техно-спорт'.
23.50 'SPORT REPORT'.
00.05 Профессионал бокс.
1.00 ХАБАРЛАР.
1.25 Баскетбол.
2.40 Жаҳон кубокларида: Трамплиннан скарлар.
Чанин поғтиси.
4.50-6.00 Теннис. АТР/ВТА турнири.

04.00 'Добро утро'.
07.00 08.00 11.00 17.00 23.50 Новости
07.05 'Пале чўлес'.
08.10 Контрольни заўкапа
08.35 'Житъ зарово'.
09.35 Модный ригвором
10.30 Феделея
11.15 'Сегодня вечером'.
13.05 Смак
13.40 'Время покажет'.
14.00 Новости
14.20 'Время покажет'. Прололке-ни.
15.15 'Мужское/Женское'.
16.10 'Наедине со всеми'.
18.00 'Давай поженимся'.
19.00 'Путь говора'.
20.00 'Время'.
20.30 Т/с 'Высшая'.
22.20 'Вечерний Ургант'.
22.50 'Полиер'.
00.05 'Время покажет'.
00.50 'Наедине со всеми'.
01.35 Модный ригвором.

РОССИЯ 1
05.00 'Утро России'.
09.00 'Фокс-покус. Волшебные тайны'.
09.55 Ток-шоу 'О самом главном'.
11.00, 14.00, 17.00, 17.30, 20.00 Вести.
11.35, 14.30, 17.10, 19.35 Местное время. Вести-Москва.
11.55 Т/с 'Тайны следствия'.
12.55 'Общий сабул'.
14.30, 04.45 Вести. Дежурная часть.
15.00 Т/с 'Галактика при свечах'.
16.00 Т/с 'Последний нычар'.
18.15 'Прямой эфир'.
20.50 'Спокойной ночи, малыши!'.
21.00 Т/с 'Ликвидация'.
01.15 Х/ф 'Американская трагедия'.
02.40 'Горькая десетка'.
03.50 'Комната смеха'.

05.00 НТВ утром
07.10 Доло врачей
08.00, 09.20 Т/с 'Возвращение Мухомора'.
09.00, 12.00, 15.00, 18.00 Сегодня
11.00 Суд присяжных
12.20 Суд присяжных. Окончательный вердикт.
13.30 Чрезвычайное происшествие
14.00 Прокурорская проверка
15.20 Т/с 'Улицы разбитых фонарей'.
17.00 Горюхи и похлывам
18.45, 22.30 Т/с 'Мосские дьяволы. Смерть'.
07.10 'Анатомия лия'.
23.30 Т/с 'Птичоний'.
00.25 Д/ф 'Настоящий итальянец. Мифия не навесла'.
01.15 Судский детектив
02.10 Дубай мир.

07.00 'Евроноэс'.
10.00, 15.00, 19.00, 23.00 Новости культуры.
10.15 'Наблюдатель'.
11.15 Х/ф 'Маскарад'.
13.00 Линия жизни. Владимир Рещетер.
13.55 'Счаки из глупия и деревя'.
14.05, 01.40 Т/с 'Петербургские тайны'.
15.10 'А.Пушкин'. 'Евгений Онегин'.
15.40 Х/ф 'Двадцать дней без война'.
17.20 Д/ф 'Неразгаданная тайна'.
18.00 Д/ф 'Реймский собор'.
18.15 Д/ф 'Фантазия на тему истраиси без амлуда'.
19.15 Главная роль.
19.30 'Сати. Нескучная классика...'.
20.10 'Правила жизни'.
20.40 'Спокойной ночи, малыши!'.
20.50 'Тем временем'.
21.35 Д/ф 'Полк, смирно!'.
22.00, 02.35 Д/ф 'Виколниня'.
22.15 Острова.
23.20 Х/ф 'Маленькая трагедия'.
00.50 'Пысалат красоты'.
01.20 Ф.Шуберт. Соната ля мажор.

РОССИЯ K

04.00 '6 кадров'.
05.00 'Животный смех'. Развлекательная программа.
05.40 Мультисерал.
06.00 22.00 23.30 '6 кадров'.
06.30 'Нервальная история'.
07.30 10.00 11.30 14.40 16.30 'Ералаш'.
08.30 'Пашпы дочка'.
12.00 'Думай как женщина'.
Драмея.
13.00 'Скорый 'Москва-Россия'.
Комедия.
15.00 'Молодежка'.
16.00 'Семейный бизнес'.
17.00 'Анжелика'.
18.00 'Молодежка'.
19.00 'Луна'. Мистический триллер.
20.00 'Назад в будущее'.
22.30 'Кино в деталях с Федором Бондарчуком'.
23.45 'Универсальный солдат'. Возрождение. Боевик.
01.55 'Собаچه дело'. Криминальный комедия.

СТС

06.00, 05.30 Мультифильм.
09.00 Панорама дня. LIVE
10.35, 00.45 X/ф "Записки экспедитора тайной канцелярии 2"
12.15 "Эволюция"
13.45 Большой футбол
14.05 X/ф "Конной PQ-17"
17.55 "Поллигон".
Путешествие на глубину
18.25 "Афган"
20.25 X/ф "Приказано уничтожить! Операция: "Китайская шуткалка"
23.45 "Научные сенсации". Хакеры смерти
02.25 Большой спорт
02.45 "Эволюция"
04.10 "Трон"
04.35 Хоккей.
06.40 X/ф "Тайная стража"

Чоршанба

09.00 Панорама дня. LIVE
10.35, 00.45 X/ф "Записки экспедитора тайной канцелярии 2"
12.15, 02.45 "Эволюция"
13.45 Большой футбол
14.05 X/ф "Конной PQ-17"
18.00 "Поллигон". Путешествие на глубину
18.30 X/ф "Шпион"
21.40, 02.25 Большой спорт
21.55 Баскетбол.
23.45 "Научные сенсации". Потепление-обратный отчет
04.10 "Наука на колесах"
04.40 Хоккей. КХЛ.
"Трактор" (Челябинск)-"Ак Барс" (Казань)
06.45 X/ф "Тайная стража"

Пайшанба

09.00 Панорама дня. LIVE
10.35, 00.45 X/ф "Записки экспедитора тайной канцелярии 2"
12.15 "Эволюция"
13.45 Большой футбол
14.05 X/ф "Шпион"
16.05 "Опыт дилетанта". Дальнобойщик
16.35, 20.45, 02.30 Большой спорт
16.50 Лыжный спорт.
Чемпионат мира. Спринт.
Прямая трансляция из Швеции
21.05 X/ф "Три дня лейтенанта Кравцова"
02.50 "Эволюция"
04.00 Профессиональный бокс.
06.10 X/ф "Медвежья охота"

Жума

09.00 Панорама дня. LIVE
10.35 X/ф "Кандагар"
12.25 "Эволюция"
13.55 Большой футбол
14.15 X/ф "Клянёмся защищать"
21.00, 23.45 Большой спорт
21.25 Хоккей. КХЛ.
"Динамо" (Москва)-ЦСКА. Прямая трансляция
00.05 "Научные сенсации". Геномное рабство
01.05 X/ф "Медвежья охота"
04.00 "Эволюция"
05.00 Хоккей. КХЛ.
"Авангард" (Омская область)-"Сибирь" (Новосибирская область)
07.10 Профессиональный бокс.

Шанба

09.00 Панорама дня. LIVE
10.35 "Диалоги о рыбалке"
11.35 X/ф "Шпион"
13.40 "24 кадра"
14.10 "Трон"
14.40, 17.45, 01.50 Большой спорт
14.55 Баскетбол.
16.50, 18.20 Лыжный спорт.
20.00 X/ф "Охота на пиряноу"
23.15 "Освободители". Воздушный десант
00.05 "Освободители". Разведчики
01.00 "Освободители". Танкисты
02.10 Профессиональный бокс.

04.45 Лыжный спорт. Кубок мира. Фристайл. Акробатика. Трансляция из Москвы
05.50 "Максимальное приближение". Южная Корея
06.15 "Неспокойной ночи". Баку
07.10 Смешанные единоборства

Якшанба

09.00 Панорама дня. LIVE
10.40 "Моя рыбалка"
11.20 "Язь против еды"
11.55 Хоккей. Матч звезд мирового хоккея. Прямая трансляция с озера Байкал
13.40 Большой спорт
14.00 X/ф "Охота на пиряноу"
16.20 Лыжный спорт. Чемпионат мира. Командный спринт.
Прямая трансляция из Швеции
19.30 X/ф "Третий поединок"
23.10 "Освободители". Истребители
00.00 "Освободители". Артиллеристы
00.55 "Освободители". Саперы
01.45 "Большой футбол с Владимиром Стогниенко"
02.30 "Все, что движется". Савалин
03.00 "Все, что движется". Алтай
03.30 "Максимальное приближение". Сардиния
04.00 Смешанные единоборства UFC.

● ТВ-дастурлар «Садо» МЧЖ томонидан тақдим этилади.

Табрик.вай.уз!

"Ўзбектелеком" АК Қашқадарё филиали жамоаси Чироқчи телекоммуникациялар боғламси шаҳар телефон тармоғи муҳандиси **Ҳамза ЭШОНҚУЛОВНИ** 55 ёши билан самимий табриклайди. Унга узоқ умр, оилавий хотиржамлик тилайди.

"Ўзбектелеком" АК Бухоро филиали ва қасаба уюшмаси кўмитаси жамоалари филиал капитал қурилиш бўлими бошлиғи **Тўлқин ҲАМИДОВНИ** 50 ёши билан табриклайди. Унга узоқ умр, сихат-саломатлик тилайди.

Новоий вилоят ахборот-қутубхона маркази жамоаси ва бошланғич қасаба уюшмаси кўмитаси марказининг хўжжатларни тўлдириш бўлими бош қутубхоначиси **Шамсия РАҲИМОВАНИ** 55 ёши билан самимий табриклайди. Унга мустаҳкам соғлиқ, фарзандлари роҳатини кўришни тилайди.

"Ўзбектелеком" АК Фарғона филиали жамоаси Учкўприк ТБ ходими **Ҳамиджон НИШОНОВНИ** 55 ёши билан табриклайди. Унга соғ-омонлик, узоқ умр, фарзандлар қамолини кўришни тилайди.

"Ўзбектелеком" АК Қорақалпоғистон Республикаси филиали жамоаси филиал электромонтёри **Амет УТЕМУРАТОВНИ** 60 ёши билан самимий табриклайди. Унга узоқ умр ва мустаҳкам соғлиқ тилайди.

МАТБУОТ АНЖУМАНИ

УСТУВОР
ЙЎНАЛИШЛАР
ИЖРОСИ

Президентимизнинг Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида миллий ҳуқуқий тизимни такомиллаштиришга доир кўплаб таклифлар билдирилган эди.

Ўтган тўрт йилдан ортиқ давр мобайнида айрим қонунларга ўзгартириш киритиш, мавжуд қонунларни янги таҳрирда қабул қилиш, ҳали қонунчилигимизда мавжуд бўлмаган янги қонунларни қабул қилишга алоҳида эътибор қаратилди.

Навоий вилояти адлия бошқармаси мажлислар залида вилоят ҳокимлиги, адлия бошқармаси ҳамда матбуот ва ахборот бошқармаси ҳамкорлигида ўтказилган матбуот анжумани Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида доир қабул қилинган узоқ ва давомли стратегияни амалга ошириш жараёнининг изчил бориши ҳамда устувор йўналишлар, жумладан, суд-ҳуқуқ ва ахборот соҳасини ислоҳ қилиш йўналишида олиб борилаётган ишлар самарадорлиги мавзусига бағишланди.

Тадбирда "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси доирасида ўтган йиллар давомида қилинган ишлар", "Ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш — концепциянинг асосий йўналишларидан бири" ва "Фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш йўналишида амалга оширилган ишлар таҳлили" мавзуларида маърузалар тингланди.

— Концепция доирасида бугунги кунгача қабул қилинган 27та қонун, уларни кенг миқёсда муҳокама этиш ва қабул қилиш жараёнининг ўзи давлат ҳокимияти ва бошқарувини янада демократлаштириш ва эркинлаштириш, суд ҳокимияти мустақиллигини, сўз ва ахборот ҳамда сайлов эркинлигини таъминлаш, сайлов тизими ва фуқаролик институтларини ривожлантиришда муҳим омил ва катта амалий ҳисса бўлди, — дея таъкидлади ўз маърузасида Навоий вилоят матбуот ва ахборот бошқармаси бошлиғи Жаҳонгир Умрзоқов.

Ўз муҳбиримиз



Кадрлар тайёрлаш сифатини янада яхшилаш, "Таълим тўғрисида"ги қонунни тўла амалга ошириш учун таълимнинг турли шаклларида фойдаланиш борасида ҳукуматимиз томонидан кўп ишлар олиб бориляпти. Бунга республикаимизда ривожланаётган "масофавий таълим" деб номланган таълим турини мисол қилишимиз мумкин. Таълимнинг бу тури шу пайтгача мавжуд бўлганларидан ўзининг айрим афзалликлари билан ажралиб туради.

Масофавий таълим:
ЎЗБЕКИСТОН ТАЖРИБАСИ

Ютуқлар, муаммолар ва ечимлар

Бу таълим турининг пайдо бўлишига асосий сабаб ахборот ва коммуникация технологияларининг тезкор ривожланиши ва улар асосида мутлақо янги таълим технологиялари (масалан, интернет технологиялари) яратилишидир. Интернет технологияларидан фойдаланиш бизга ўқув материалларини чексиз ва жуда арзон тарқатиш ва кўпайтириш ҳамда ўқувчиларга тезкор ва аниқ етказиш имкониятларини яратиб берди. Шу билан бирга, таълим интерактив бўлганлиги сабабли, ўқувчи ўз устида мустақил ишлашининг ўрни жуда катта аҳамиятга эга.

Масофавий таълимнинг ўзини нима? Масофавий таълим бу интернет орқали сизга қулай бўлган вақтда ўқишдир. Масофадан ўқитишда виртуал кутубхоналар, йўлдош орқали видеоонференциялар, дарслар, интернет ёрдамида мулоқот ва ахборот олиш имкониятлари пайдо бўлди. Бу эса ўқувчи учун махсус ўқиш доирасини беради. Ўқувчининг фанни ўзлаштириш тезлиги ва сифати кескин яхшиланади.

Масофадан ўқитишнинг яна бир афзаллиги шундаки, унда ўқувчи ўзига қулай вақтда, ҳаттоки ишдан ажралмаган ҳолда ҳам ўқиши мумкин. Айнан шу афзалликлари туфайли бу услуб ҳозирги кунда дунёда кенг тарқалган. Кўпгина йирик корхона-

лар мутахассислари малакасини ошириш ёки ўзлаштириш учун шу услубдан фойдаланиб, йилга миллионлаб долларларни тежамолар.

Масофавий таълимда ўқиш муддатини ўқувчи ўзи белгилайди, яъни талаба ихтиёрий пайтда ўқишни бошлайди, материалларни ўқитувчи назоратида ўзлаштиради. Ўзлаштирилган топшириқлар тестларни бажаришга қараб аниқланади. Ўқувчи берилган дастурни ўзлаштирмаса, унга мустақил ишлаб, ўқишни давом эттиришга имконият берилмайди.

Масофавий таълимнинг асосий муаммоси — билим ва одоб-ахлоқ нормаларига риоя қилишдир, булар ўқув муҳитида психологик комфорт яратишга жиддий таъсир кўрсатади.

Ҳозирги кунда таълим ва ишлаб чиқариш соҳасини компютерлаштириш ва шу соҳаларда ахборот технологияларини ривожлантириш ҳақида Президентимизнинг кўплаб фармонлари ва Олий Мажлис қарорлари чиқарилган. Натижада охириги йилларда республикаимизда кўплаб ибратли ишлар қилинди.

Бунга мисол қилиб, республикаимизнинг олий ўқув юртлари томонидан ташкил қилинган видеоонференцияларни ҳам айтиш мумкин. 2002 йилда республикаимизда биринчи марта Пре-

зидент Девони, Ташқи иқтисодий алоқалар ва савдо вазирлиги, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ва Тошкент Давлат иқтисодиёт университети ўртасида видеоонференция ўтказилди. Ҳозирги кунда мамлакатимизнинг деярли барча олий ўқув юртларида бундай видеоонференциялар кўплаб ўтказилляпти.

Ўзбекистонда бошқа мамлакатлар қатори таълим соҳасини жаҳон стандартларига мувофиқлаштиришда кўп саъй-ҳаракатлар қилиняпти. Мамлакатимизнинг майдони катталиги ва марказдан географик узоқ ҳудудлар мавжудлиги электрон таълимни ривожлантиришнинг асосий сабабларидан биридир. Мазкур таълим турини жорий қилишда айрим муаммоларнинг келиб чиқиши табиий ҳол. Булар, асосан маблағлар, техника таъминоти ва шу соҳада малакали муҳандис ҳамда педагог кадрлар етишмовчилиги, лекин биз шу муаммоларни имконият даражасида ҳал қилишимиз зарур. Чунки Ўзбекистон шароитида масофавий таълимнинг йўлга қўйилиши истиқболли бўлиб, бугун сарфланган ҳар қандай маблағ эртанги кунимизга хизмат қилади.

Асилбек МУРАТАЛИЕВ,
ТАТУ Фарғона филиали
4-босқич талабаси

Эгаси бор юрт

Абдулла Қодирий номидаги Навоий вилоят ахборот-кутубхона марказида "Эгаси бор юртнинг эртаси бордир" мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

Унда Навоий давлат педагогика институти "Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими" кафедраси ўқитувчиси Х.Ўсаров Юртбошимизнинг "Юксак маънавият — энгилмас куч" асарини, Навоий педагогика ва хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежи "Ижтимоий ва иқтисодий фанлар" кафедраси ўқитувчиси С.Шоимова "Президент асарларида ёшлар мавзуси", шу коллежнинг "Ижтимоий ва иқтисодий фанлар" кафедраси ўқитувчиси "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида" асарини, Навоий маданият ва санъат коллежи ўқитувчиси Н.Эшқобилова ва С.Давлатовлар "Президент асарлари тарғиботи" ва "Президент асарлари библиографияси" ҳақида батафсил гапириб ўтишди. Тадбирда иштирокчилар саволларига тўлиқ жавоб берилди.

Н.ЭШҚОБИЛОВА,
Навоий маданият ва санъат коллежи катта ўқитувчиси

ЯПОНЧА ТЕМИР ХОТИНЛАР

Япониянинг Нагасаки шаҳрида роботлар хизмат кўрсатувчи жаҳондаги биринчи меҳмонхона (Nepn-na Hotel) ишга тушади. Очилиш маросими жорий йилнинг июл ойига белгиланган.

Япон аёли қиёфасига эга механик гуманоидлар сони ўн нафар бўлиб, улар меҳмонларни рухатга олишади, юкларини элтиб беришади, хоналарни йиғиштиришади, энг асосийси, барча ишлар жуда тез ва соз, юзда табассум билан бажарилади.

Кокото компанияси ишлаб чиққан бу роботлар тўртта тил: япон, хитой, корейс ва инглиз тилларида эркин сўзлаши билан ҳам ташриф буюрувчиларни лол қолдириши аниқ.



БАХТНИ ЎЛЧАБ БЎЛАДИМИ?



Hitachi High Technologies (Япония) компанияси "бахт ўлчагич" қурилма ишлаб чиқди. Унинг ёрдамида корхона раҳбарлари ходимларининг ўз ишларидан қанчалик қониқшларини библи олишлари мумкин экан.

Пластик карта ҳажмидаги бу қурилма сенсорларга эга бўлиб, уни олиб юрувчининг айна пайтдаги ҳолати: ўтириб-туришию компьютерда ишлаётгани ёнки бош чайқайтгани каби ҳолатларини қайд этиб туради.

Ишланма муаллифлари бу қурилма раҳбариятга ходимларининг меҳнат шaroитларини яхшилаш орқали иш унумдорлигини оширишга эришишда ёрдам беришини таъкидлашган.

КИМГА КИТОБ, КИМГА...

АҚШнинг Пенсилвания ва Калифорния университетларида смартфонлардан кам фойдаланувчи талабаларга имтиёз жорий этила бошланди. Бунинг учун смартфонга Pocket Points иловасини ўрнатиш керак.

Илова университетлар ҳудудида кучга эга бўлиб, телефон қанча кўп вақт ишлатилмаса шунга қараб фойдаланувчи ҳисобига балл ёзиб боради. Масалан, 20 дақиқа давомида телефонни очмаслик учун 1 балл берилади. Хўш, тўпланган баллар қандай имтиёз беради?

Ўн балл тўплаган талабаларга университетнинг китоб дўконига 15 фоизлик чегирма бор. Мутолаага рўйхушлик бермайдиганлар эса тушликда университет ошхонасидан 15 баллга икки дона ширин кулча харид қилишлари мумкин.




ҚОҒОЗ ҲИМОЯ

Қозон федерал университети олимлари биналарни мобил алоқа ва Wi-Fi сигналларидан ҳимояловчи гулқоғоз (обой) технологиясини ишлаб чиқишди.

Эътиборли томони, бу гулқоғозлар керакли диапазондаги тўлқинларни бошқариш имконини беради. Масалан, 3G стандартдаги тўлқинларни ўтказиб, Wi-Fi сигналларни тутиб қолиши мумкин ёки аксинча.

Ишланма ўқув юртларида яхши иш берса керак, шунда ўқувчи ва талабалар дарс пайтида, имтиҳон ва назорат ишларини топширишда мобил воситалардан фойдалана олишмайди.

ҲАММАСИ БОШИДАН БОШЛАНАДИ




Январ ойи ўрталарида Google компанияси "ақли" кўзойнақларини сотишни тўхтатган, бир неча кундан кейин эса компания молия директори Патрик Питчетт Glass лойиҳасининг муваффақиятсизлигига иқроор бўлганди.

Яқинда The New York Times Google Glass ҳақида каттагина мақола чоп этди ва унда лойиҳа қайтадан бошланиши ва энди то тўлиқ тақомилига етказилмагунча қурилмалар тақдим этилмаслиги айтилган.

ШАРИКЛИ РУЧКА МУОМАЛАДАН ЧИҚСА...

Microsoft раҳбари Сатя Наделла ABC News телеканали учун блиц-интервью берди. Икки ярим дақиқалик савол-жавобда Наделланинг, аксарият ҳиндлар сингари, крикетга мухлислиги, соғлом турмуш тарзига амал қилиб бир кеча-кундузда саккиз соат ухлаши, таомлар тайёрлашга қизиқиши, аммо вақти бўлмаслиги каби жиҳатлари ошқор бўлди.

Энг қизиги, журналистнинг ҳозир ишлатилаётган технологияларнинг қайси бири яқин ўн йил давомида муомаладан чиқиб кетади, деган саволига у шарикли ручка дея жавоб берган.



ЎЗНИКИ ЭМАС, ЎЗГАНИКИ МАЪҚУЛ

Android ва iOS амалий атизимлари учун тақвим (календар)лар ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи Sunrise Atelier компаниясини Microsoft корпорацияси 100 млн. доллар эвазига ўз таркибига қўшиб олди.

Таҳлилчилар бундан корпорациянинг мақсади iOS ҳамда Android фойдаланувчилари орасида ҳам аудиториясини кенгайтиришдир, дейишяпти. Яна бир томони, Microsoft раҳбарияти ўз иловаларини ишлаб чиққандан кўра, бошқа тайёрларини сотиб олган фойдали деган тўхтамга келган.



Саҳифани С.ТЕМИРОВ тайёрлади

Apple ИНТЕРНЕТДА ҚИДИРАДИ

The Information сайти маълумот беришича, 2015 йил охирида Apple ҳамда Google ўртасида тузилган шартнома муддати яқунига етади. Мазкур келишувга кўра, Safari браузеридagi қидирув саволларига Google интернет-қидирув тизими хизмат кўрсатиб келяпти. Худди шунга ўхшаш шартномаларнинг яна бири 2013 йили кучини йўқотгач, Apple компанияси Bing браузерни (Microsoft) хизматидан фойдалана бошлаганди.



Миллий сайтлар (ТОП-10)*

REYTING*

(2015 йил 11 феврал)

Ўрни	Веб-сайт	Йўналиши	Хослар	Хитлар
1	Mover.uz (Tas-IX)	Онлайн видео	31 977	613 068
2	Torg.uz (Tas-IX)	Савдо-сотиқ	24 107	1 179 525
3	Uff.uz (Tas-IX)	Футбол янгиликлари	21 602	440 852
4	Mytube.uz (Tas-IX)	Онлайн видео	20 700	252 623
5	Championat.asia (Tas-IX)	Футбол янгиликлари	19 651	211 419
6	Player.uz (Tas-IX)	Онлайн сериаллар	17 227	133 466
7	Kun.uz	Янгиликлар	14 012	228 909
8	Uzclub.net	Кино ва шоу-бизнес	12 881	152 811
9	Stadion.uz	Футбол янгиликлари	12 403	139 771
10	Daryo.uz (Tas-IX)	Янгиликлар	11 240	156 332

*www.uz

"Умр — оқар дарё" деганларича бор экан. Бир-бирдан оқил ва доно, эл-юрт юмушларига камарбаста тўрт нафар ўғил-қизимизнинг меҳрибон онажониси Фотира Ражабова билан турмуш қуриб, бахтли-саодатли, тотув ҳаёт кечира бошлаганимизга ҳам салкам 40 йил бўлибди. Тошкент электротехника алоқа институтини тугатиб, ўзим туғилиб ўсган Когон туманига йўланма олганим, туман алоқа боғламасида оддий муҳандисликдан иш бошлаганим кечагидек ёдимда.

Кейинроқ линия-техника цехи бошлиғи, боғлама етакчи муҳандиси, узоқ йиллар давомида эса шахар ва қишлоқ телефон тармоқлари муҳандиси сифатида фаолият олиб бордим. Когон шаҳрида, шунингдек, тумандаги Каттаохун, Хўжа Яқшаба, Баҳовуддин, Бўстон, Тутқунда, Нурафшон қишлоқларида истиқомат қилувчи ҳамюртларимиз оғирини енгил, узоғини яқин қилганимдан, уларнинг қувончу ташвишларига шерик бўлганимдан ҳали-ҳануз бошим осмонда. Қолаверса, Ўзбекистондек гўзал ва бетакрор, жаннатмонанд бир юртда туғилиб, умргузаронлик қилаётганимиз учун нафақат мен, балки Хўжа Яқшаба қишлоғида қарилик гаштини сураётган Карим бобо Нафасов (отахон ҳозир 91 ёшда), 80 ёшга етган Усмон ота Исмоилов, Ражаб бобо Ақрамов ва бошқа бир қатор табаррук ёшдаги кишиларнинг ҳам қўллари мудом дуода. Мустақиллигимиз барқарор бўлсин, дейишмоқда улар.

Мен билан бирга алоқа соҳасида узоқ йиллар ишлаган Собир ота Неъматовнинг дилтортар сўхбатларисиз эса тўй-ҳашамларни тасаввур этиш қийин. Хўжа Яқшаба ҚФЙ ходимларидан ҳам, туман телекоммуникациялар боғламаси маъмурияти ва касаба уюшмаси кўмитасидан ҳам биз — кексалар, боғлама меҳнат фахрийлари беҳад мамнунмиз. Бирор бир қўтлуғ сана ёки байрам тадбири йўқки, улар бизни йўқламаган, моддий ва маънавий кўмак бермаган бўлишса. ҚФЙ ҳудудида жами 5100 нафардан ортиқ аҳоли истиқомат

Саттор Жўраев:

Кексаликнинг ҳам ўз гашти бор...

қилишини, уларнинг салкам тенг ярми ёшлардан иборат эканлигини эшитганман. Ростини айтсам, бугунги ўғил-қизларга ҳавасим келади. Фикри теран, ақли тиник, мушоҳадаси-ю дунёқарашни кенг уларнинг. Узоққа бормасдан, кичкинтой невараларим — Сабинахон билан унинг жажжи синглиси Мадинахонни сизга мисол тариқасида айтсам. Иккаласининг ҳам инглиз тилига ихлоси баланд. Айнан шу тил бўйича курс машғулотларига қатнайди улар. Туман марказидаги "Орзу" спорт мажмуасида ўтказиладиган гимнастика машғулотларида иштирок этишни ҳам қанда қилишмайди. Қизалоқлар катта ўғлим — Саиджоннинг фарзандлари. Ўғлимнинг ўзи эса мен қачонлардир таълим олган ТАТУни битирган. Ҳозир у "ЎзМобайл" филиалининг Бухоро ҳудудий боғламаси бош муҳандиси. Изланувчан ва тиниб-тинчимас шоғирдларимдан ҳам кўнглим тўқ. Туман телекоммуникациялар

боғламасида кабелчи-пайвандловчи бўлиб ишлаётган Эркин Нурматов, Зокир Баротов, қишлоқ телефон тармоғи электромонтёрларидан Холиқ Ашуров, малакали муҳандислардан Аҳтам Эргашев ва бошқа бир қатор ёш издошларим борки, улар билан ҳамisha фахрланиб келганман. Уларни кўриб қолсам, дилим яйрайди, ёшлигим эсимга тушиб, завқла-

шим Фотирахоннинг ҳам дилимиз яйрайди. Яратганга қайта-қайта шукроналар айтаман. Умрнинг энг масъуд палласи — кексаликнинг том маънодаги гашти ҳам шу бўлса керак, аслида. Юртбошимиз томонидан 2015 йилнинг Кексаларни эъзозлаш йили деб эълон қилинганлиги эса кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшди.

Қишлоқ фуқаролар йиғини расиси Абдулла Чўлиевнинг айтишича, ҳудудимизда бугунги кунда 200дан ортиқ меҳнат фахрийси истиқомат қилар экан. Демакки, шунча нафар кекса ёшдагилар бундан бир неча йил олдин ўзига хос ном билан аталган Қарияларни кадрлаш йилидагидек жорий йилда ҳам алоҳида эъзозда, ҳурмат-эътиборда бўлишади. Айнан шунинг ўзи миллатимизга хос азалий қадриятлар — инсонпарварлик ва саховатпешалик, бағрикенглик ва одамохунлик сингари чин инсоний фазилатлар жамиятимизда-ю кундалик ҳаётимизда тобора бўй кўрсатиб бораётганининг аниқ исботи эмасми?! Менга ўхшаган нафақа ёшидаги ҳамюртларимнинг эса эзгу тилағи-ю покнияти битта — у ҳам бўлса юртимиз осмони ҳамisha мусоффо, дастурхонларимиз тўкин-сочин, ҳамюртларимиз омон бўлишсин. Шодумон кексаликнинг ҳақиқий гаштини суриш барча-барчага насиб этсин.

"Xabar"нинг Бухоро вилоятидаги мухбири Аскар ИСТАМОВ ёзиб олди.

Соҳада роппа-роса 37 йил ишлаб, нафақага чиққан Саттор ота шу кунларда ёру дўстлари даврасида ўзининг табаррук 63 ёшини нишонлапти. Отахонни муборак таваллуд айёми билан чин дилдан қўтлаб, мустаҳкам соғлиқ, узоқ умр, оилавий хотиржамлик тилаймиз.

Ўзимизнинг Гулнора опа

Ҳар қандай корхона, ташкилот ёки муассасада деярли ҳар бир ходимни беш қўлдек билладиган, унинг оилавий ҳолати ва ташвишларини тушуниб тўғри йўл кўрсатувчи инсон бўлади. "Андижон матбуот тарқатувчи" масъулияти чекланган жамияти касаба уюшмаси кўмитаси раиси Гулнорахон ЁҚУБОВА ана шундайлардан бири.



Гулнорахон ЁҚУБОВА (ўртада) ҳамкасблари даврасида

Унинг ҳузурига бирор юмуш билан келган ҳар қандай ишчи-ҳодимнинг, албатта, руҳияти кўтарилиб чиқади.

Халқимизда "Дарахт бир жойда кўжаради", деган ҳикमत бор. Гулнора опанинг меҳнат дафтарчасида биргина иш жойи қайд қилинганлиги ҳам бундан далолат бериб турибди. Опанинг матбуотчилик соҳасига қадам қўйганига ҳам ўттиз йилдан ошибди. 1984 йили Тошкент халқ ҳўжалиги институтини тамомлаб, соҳага кириб келган ёш иқтисодчи, мана неча йилдирики, ўз касбини ардоқлаб келмоқда. Ҳозирда ташкилотнинг бош иқтисодчиси бўлган Гулнора опа кўп йиллардан бери корхона касаба уюшмасида ҳам фаолият

юритиб келади. Албатта, жамият қўлга киритаётган ютуқлар замирида ҳам-жиҳатликда иш олиб бораётган ходимларга қўлай меҳнат шароитлари яратилганлиги, улар саломатлиги муҳофазасига катта эътибор қаратилаётгани, илғорларни ўз вақтида рағбатлантириш сингари омиллар ётибди.

Мунтазам уюштириб келинаётган ўқув-семинарлар, ёш мутахассисларга кўрсатилаётган амалий ёрдам натижасида корхона салоҳияти йилдан-йилга юксалиб бораётди. Ҳусусан, 2014 йили Тошкент ахборот технологиялари университети Фарғона филиали ўқув-

чилари томонидан замонавий АКТ технологиялари бўйича ўтказилган ўқув-семинарда жамиятнинг 14 нафар ходими малака оширди. "Йилнинг энг моҳир матбуот тарқатувчиси" кўриктанлови ўтказилиб, голиблар Оммавий ахборот воситалари ходимлари кўни ташкил этилган тадбирда тақдирландилар. Жамиятда ходимларнинг кўнгли дам олишлари учун зурур шароит яратилган. Мунтазам спорт мусобақалари ташкил этиб борилади. Спортнинг кўпгина турлари билан шуғулланиш учун анжомлар етарли.

Касаба уюшмаси томонидан ҳар ҳафтада мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислоҳотлар, турли соҳаларда эришилаётган ютуқ ва муваффақиятларни кенг жамоатчиликка етказиш мақсадида ишчи-хизматчилар, ёшлар учун маънавий соатлари ташкил этиб борилади. Санаб чиқилган барча ижобий жараёнларда Гулнорахон опанинг хизматлари беҳис.

Элмурод ЭРМАТОВ,
"Андижон матбуот тарқатувчи" МЧЖ ходими

Банк хизматларидан интернет орқали фойдаланувчилар ярим миллиондан ошди

2015 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, масофавий банк хизматларини кўрсатувчи тизимлардан фойдаланувчилар сони 534 минг 800 нафарга етган.

Бу кўрсаткич 2014 йилда 264 минг 390тани ташкил этгани ҳисобга олинса, 2015 йил биринчи чорагида банк хизматларидан интернет орқали фойдаланувчиларнинг 270 минг 410тага кўпайганини кузатиш мумкин.

Хизматлар турлари каторида SMS-банкнинг ва мобил банкнинг хизматларидан фойдаланувчилар 2015 йил бошида 472 минг 573 нафарга етган бўлиб, Интернет-банкнинг ва Банк-мижоз хизматларидан айна вақтда 62 минг 227 нафар мижоз фойдаланмоқда.

Буюк шоир, мутафаккир, давлат арбоби, ўзбек адабий тилининг асосчиси Алишер Навоий таваллудининг 574 йиллиги ҳамда Захириддин Бобур таваллудининг 532 йиллиги муносабати билан Фарғонада ҳам илмий анжуманлар, назм ва наво кечалари, маънавий-маърифий тадбирлар бўлиб ўтмоқда. "Ўзбекистон почтаси" АЖ Фарғона филиалида ташкил этилган тадбирни филология фанлари номзоди, қатор публицистик асарлари билан танилган Набижон Солиев ҳамда "Ота уйим оқшомлари", "Осмонини топган қуш" ҳикоялар тўпламлари муаллифи Гулчехраҳон Асронувалар олиб бордилар.

СОҒИНИБ, ЯШАЙЛИК ҚЎМСАБ НАВОЙНИ!

Асрлар мобайнида битмас-туганмас илҳом манбаи бўлиб келаётган буюк аждодимиз Алишер Навоий девонлар, дostonлар, ғазаллар тўпламлари, илмий трактатлар — 30та йирик асарлардан иборат кенг қамровли, бой ва улкан ижодий мерос қолдирди. Ҳазрат Навоий жаҳонга ўзбек тилининг бутун жозибаси ва имкониятларини очиб беришга муваффақ бўлди. Назм даҳосининг сўз бойлиги 26 мингтадан кўп бўлгани беҳад ҳайратланарлидир. Аллома номидаги институтнинг ўзида сўнги йилларда ўндан ортқ китоблар нашр этилди. Алишер Навоий сўзлари изоҳли ва фразеологик лугатлари яратилди ва икки томли энциклопедиясини тузиш бўйича изланишлар олиб борилмоқда. Нафақат Ўзбекистонда, балки кўплаб мамлакатлар етук олимлари томонидан Алишер Навоий ижодий мероси тадқиқ этилиб, янги-янги қирралари кашф этилмоқда. Канадалик олим Керри Ник анчадан буён Мир Алишер Навоий ижодини мароқ билан ўрганиб келаётганини айтган экан, Навоий бизни ҳаётимиздаги норасоликлардан халос этади, ўзимизда гўзал фазилатларни камол топтиришга хизмат қилади, аллома ижодига бизда эҳтиёж жуда катта, дея эътироф этса, россиялик навоийшunos олим Илья Зайцев бизнинг илмий изланишларимиз, хулосаларимиз Ўзбекистонда катта қизиқиш уйғотади, деган умиддамиз, дейди. Назм даҳоси ҳаёт қадрини ва сўздек дурру гавҳарни теран англаб, бу ҳақиқатни ҳар бир қалбга сингдиришга интилади. Замон ва макон сарҳадлари оша Навоийнинг янгидан-янги қирралари кашф этилаверади.

Тадбирда "Одами эрсанг, дематил одамий...", "Кимки бир кўнгли бузуғнинг...", "Олам аҳли билингизким..." каби қатор шоҳбайтлари янграб, дилларни назмий шуқулларга тўлдирди.

Учрашувда шоҳ ва шоир, буюк саркарда Захириддин Бобур ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ янги маълумотларга эътибор қаратилгани, айниқса, диққатга сазовор бўлди. Жумладан, "Китоб дунёси" газетасида эълон қилинган Раҳимжон Шарифзодиннинг "Бобур тоши" мақоласи тилга олинди. Мақолада таъкидланишича, Тожикистондаги Оқбурдон қишлоғи яқинидаги чашма ёнидаги катта тошга Шоҳ Жамшид номидан Мирзо Бобур "Бу булоқ тепасига биз



каби кўп кишилар келиб ўтирдилар, кетдилар ва йўқ бўлдилар. Оламни мардлик ва ўравонлик билан олдик. Лекин ўзимиз билан гўрга элтмадик", дея ёзиб қолдирган экан. Тадбирда ҳассос шоир ва тарихчининг "Бобурнома" асари, Бобур ҳаётининг Ҳиндистон даври, адабий муҳити ҳамда Ҳиндистоннинг донишманд фарзанди, давлат арбоби Жаҳоҳарлаъл Нерунинг асарларида Захириддин Мухаммад Бобур ҳақидаги самимиятга тўла мулоҳазалари ҳақида ҳам фикр алмашилди. Бир қанча рубойлари тўғрисида сўз борди.

Тадбир сўнгида буюк аллома Алишер Навоий ижоди билимдонлари аниқланди. Уларга олим ва нотик Набижон Солиев "Навоий фаолияти ва устозлари" номли буклетларни тақдим этди. Саволларга энг тўғри жавоб берган почта ва телеком соҳаси мутахассислари Мухаммаддон Ҳақимов, Обиджон Умаров, Ботиржон Мамажонов, Хусанбой Абдурахимовлар, амалиётчилар Маҳлиёхон Акбарова ҳамда Шахлохон Бахтибевалар буюк аждодларимизнинг сўнмас даҳоси ижодида меҳр-муҳаббат ва хурмат-эҳтиром билан қарашларини намоён этдилар. Бу ҳам бўлса, юртимизда илму маърифат ва юксак маънавиятга интилиш янада кучайиб бораётганидан бир ёрқин далолатдир.

Ҳафиза САЛҲОВА,
"Xabar"нинг Фарғона
вилоятидаги мухбири

ЭҲТИРОМ

Самарқанд вилоят техник радионазорат станцияси раҳбар ва мутахассислари томонидан Иштихон ахборот технологиялари ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежида шеърят мулкнинг султони Алишер Навоий ҳамда шоҳ ва шоир Мирзо Бобур таваллуд айёмига бағишлаб ўқитувчи ва ўқувчилар иштирокида "Шоирлар ижодининг ёшлар тарбиясидаги ўрни" мавзuida давра суҳбати ўтказилди.

Тадбирда техник радионазорат станциясининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича масъул, 1-тоифали мобил алоқа муҳандиси Хуршид Тожиев, тезкор бўлим 2-тоифали муҳандиси Жамол Қодировлар сўзга чиқиб, Навоий ижодига тўхталар экан, жумладан, қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратдилар:

"Ҳазрат Навоий фалакиёт илмининг ҳам билимдони бўлган. У бу илмни Самарқандда Мирзо Улуғбек расадхонасида ўрганганлиги, айниқса, эътиборлидир. Навоий Самарқандда Мирзо Улуғбек вафотидан ўн олти йил ўтгач келади ва тўрт йил шу шаҳарда яшайди. Бу даврда Самарқандда Улуғбек академияси, олимнинг илмий мактаби фаол ишлар эди.

Ҳазрат Навоийнинг ўзи таъкидлаганидек, Мирзо Улуғбек мадрасаси ва расадхонасида у икки йил таълим олади. Бу йилларда Самарқандда илми нужум, фалакиёт, ҳандаса, тиббиёт, ҳадис ва фикҳ илмлари кенг ривож топган, энг юқори чуққига кўтарилган эди. Навоийнинг, айниқса, фалакиёт илмини чуқур ўрганишига бу ерда кенг имконият бор эди.

Навоий Улуғбекнинг ҳамкасб дўстлари Мухаммад Олим, Хўжа Уҳд Мастунийлардан фалакиёт сирларини ўрганади. У шундай ёзади: "Хўжа Уҳд Мастуний ўз асрининг яғонаси эрди. Илм ва фунун билур эрди. Аммо фалакиётда шуҳрати бор эрди. Бу фақир ул бузруквор суҳбатига етар эрдим".

Алишер Навоий фалакиёт ва коинотга доир чуқур илмни Самарқандда ўрганиб, уларни ўз асарларига усталик билан сингдиради. Бу унинг "Ҳайратул аброр", "Фарҳод ва Ширин", "Сабаи Сайёр", "Садди Искандарий" каби асарларида кенг намоён бўлади".

Коллеж тарих ўқитувчиси Абдувоҳид Ғиёсов, бош уста Худойберди Азизовлар Алишер Навоий ва Мирзо Бобур ҳаёти ва ижоди тўғрисида маъруза қилишди.

Давра суҳбатида ўқувчилар томонидан ҳар икки буюк шоир ижодларидан намуналар ўқилди.

Абдуғафур ҲОТАМОВ,
"Xabar"нинг Самарқанд
вилоятидаги мухбири

Миллий кутубхонага янги энциклопедия

Ўзбекистон Миллий кутубхонаси 2014 йили "Шарк" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси томонидан чиқарилган "Захириддин Мухаммад Бобур энциклопедияси" билан бойиди.

744 саҳифали ушбу китоб филология фанлари доктори, Ўзбекистон Фанлар академияси академиги, бобуршунос Азиз Қаюмов раҳбарлигида ўзбекистонлик ва хорижлик олимларни жалб этган ҳолда бир гуруҳ бобуршунослар томонидан ёзилган.

Китобда Захириддин Мухаммад Бобур асарларида тилга олинган сўзлар, иборалар, воқеалар, шахслар, жой номларига таъриф берилган.



БАРҲАЁТ СИЙМО

Сирдарё вилояти Гулистон мактабгача таълим ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежида вилоят ахборот-кутубхона маркази билан ҳамкорликда "Ғазал мулкнинг султони" мавзuida шеърят кечаси ўтказилди.

Коллеж директори ўринбосари Б.Саидмуродов ва Республика маънавият тарғиботи маркази вилоят бўлими етакчи мутахассиси, шоир А.Нурбоевлар маъруза қилишди.

"Ўзбекнаво" эстрада бeрлашмаси вилоят бўлими хонандалари томонидан ижро этилган қўшиқлар кечага ўзгача файз бағишлади. Коллеж ўқувчилари Навоий ижодидан ғазал, рубойлар ўқишди, саҳна кўринишлари намоёйш этишди, қўшиқ ва рақслар ижро қилишди. Шунингдек, вилоят АКМ ходимлари томонидан "Адолат ва саҳоват куйчиси" номли кўргазма ташкил этилди.

Х.РИСКУЛОВА,
АКМ сектор мудир

Олимпиада мусобақаларини кўзлаб

Пойтахтимиздаги "Ўзбекистон" спорт мажмуасида дзюдо бўйича эркаклар ва хотин-қизлар ўртасида мамлакат чемпионати якунланди. Унда тўрт юз нафардан зиёд спортчи ўзаро беллашди.

Эркаклар ўртасида энг қизиқарли беллашув 90 килограммгача бўлган вазндаги спортчилар ўртасида кечди. Мусобақа финалида қатор халқаро турнирлар совриндори Яхё Имомов (Сурхондарё) ҳамда Давронбек Сатторов (Тошкент шаҳри) гиламга чиқди. Кескин курашлар руҳида кечган беллашувда рақибидан устун келган Яхё полвон олтин медал билан тақдирланди.

Пойтахтлик Баҳром Иноятов, Ҳамиджон Мўминов, Фахриддин Шарипов, бухоролик Гиёсжон Бобоев, сурхондарёлик Абдулла Тангриев, Бахтиёр Менглиев ва Тошкент вилоятидан Шўхратжон Арслонов ҳам ўз вазн тоифасида биринчи ўринни эгаллади.

Хотин-қизлар ўртасида Тошкент шаҳри шарафини ҳимоя қилган Шохид Назарова, самарқандлик Нодира Гулова, сурхондарёлик Дилдора Убайдуллаева, хоразмлик Раҳима Йўлдошева, Турсунпошша Нурматова, Гулноза Матниёзова, Қумуш Йўлдошева ҳамда қорақалпоғистонлик Санам Эркинбоева ўз вазн тоифасида шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

Чемпионат ғолиб ва совриндорлари энди халқаро мусобақаларда 2016 йилги Олимпиадага йўлланма берувчи рейтинг оқолари учун кураш олиб боради.

Бир қумуш, бешта бронза

Россиянинг Подолск шаҳрида юнон-рум кураши бўйича ўтказилган халқаро турнирда полвонларимиз 1 қумуш, 5 бронза медални қўлга киритди.

Турнирда икки юз нафардан зиёд спортчи ғолиблик учун куч синашди.

Мусобақада ҳамюртимиз Нурбек Ҳошимбеков вази 75 килограммгача бўлган полвонлар беллашувида қумуш медал билан тақдирланган бўлса, ўз вазн тоифасида Элмурат Тасмуратов, Данила Морозов, Жонибек Отабеков, Дилшод Ҳақимов, Мўмин Абдуллаев учинчи ўринни эгаллади.

Ўзбекистон ёшлари Германияга қарши ўйнайди

Жорий йилнинг 30 май — 20 июн кунлари Янги Зеландияда ўтадиган Футбол бўйича ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида қуръа ташланди.

Унга кўра, 2014 йили Мянмада ўтказилган Осиё чемпионатида кучли тўртликдан жой олган терма жамоамиз "F" гуруҳида Германия, Фижи ва Гондурас ёшлар терма жамоалари билан рақобатлашадиган бўлди.

Равшан Ҳайдаров шогирдлари 1 июн куни Гондурас, 4 июн — Германия, 7 июнда эса Фижи терма жамоаси билан куч синашди.

"Бунёдкор" янги футболчиларни расман таништирди

"Бунёдкор" ФК янги мавсум олдида ОАВ вакиллари билан учрашув ташкил этди.

Тадбирда жамоанинг янги аъзолари таништирилди. Янги мавсумда Артём Филиппосян, Обид Жўрабоев, Шакер Зуаги, Мирзохид Гофуров, Отабек Шукуров, Элдор Шомуродовлар "Бунёдкор" шарафини ҳимоя қилишади.



ЭЪЛОН!

Тошкент ахборот технологиялари университети томонидан 2011 йили 4-босқич талабаси Адхам Ҳамраев номига берилган 21514 рақамли рейтинг дафтари ҳасили йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент ахборот технологиялари университети томонидан 2011 йили Абдулазизхон Исоқов номига берилган 05402 рақамли талабалик гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Ўташларнинг охираги обод бўлди

"Ўзбекистон почтаси" акциядорлик жамияти жамоаси даврий нашрларни тарқатиш гуруҳи етакчи муҳандиси Озодбек Ҳожиёва падари бузруквори **МУХТОР отанинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия ихор этади.

"Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси Хоразм филиали жамоаси филиалнинг ижро интизоми бўйича муҳандиси

Алланазар БЕКНАЗАРОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

"Xabar" газетаси жамоаси газетанинг Наманган вилоятидаги муҳбири

Пўлат ХАМДАМИНнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.



Тимур Гумеров — Осиё чемпиони

Таиландда давом этаётган Осиё чемпионатида ҳамюртимиз Тимур Гумеров олтин медал соҳиби бўлди.

Иқтидорли велоспортчимиз трек йўналишининг кўпкураш баҳсларида рақибларига ҳеч қандай имконият қолдирмади ва қитъа чемпионлиги билан бирга 2016 йили Бразилияда ўтказиладиган XXXI ёзги Олимпия ўйинлари йўлланмаси учун муҳим рейтинг оқоларини қўлга киритди.

Ёшлар ўртасидаги мусобақада қатнашган яна бир ҳамюртимиз Дилмурод Сиддиқов қитъа чемпионатининг бронза медални билан тақдирланди.

Терма жамоа Туркияга жўнаб кетди

Таэквондо (WTF) бўйича Ўзбекистон терма жамоаси делегацияси Туркиянинг Анталия шаҳрига жўнаб кетди. У ерда 2016 йилги Рио Олимпиадасига муҳим рейтинг оқолари ўйналади. Туркия Очиқ чемпионатида мамлакатимиз шарафини Александр Ким бошчилигидаги мамлакатимиз терма жамоаси аъзолари ҳимоя қилишади.

Терма жамоа таркибидан биринчи рақамли спортчимиз Жасур Бойқўзиёев, шунингдек, Дмитрий Шокин, Максим ва Никита Рафалович, Дилобар Сайдуллаева, Наталья Маматова, Владислав Хан, Дилдора Элиева, Раъно Байбатаева, Валентин Хегай, Гўзал Норбобоева, Темурбек Ўролов каби таэквондочиларимиз жой олишган.

Масъулиятли мусобақалар олдида

Енгил атлетика бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари Полшадаги ўқув-машгулот йиғини доирасида ўтказилган халқаро мусобақада муваффақиятли иштирок этди.

Полшада ташкил этилган халқаро турнирнинг узунликка сакраш баҳсларида 7,17 метр натижа қайд этган атлетимиз Азиз Омонов олтин медални қўлга киритган бўлса, Руслан Қурбонов 7,15 метр натижа билан иккинчи ўринни эгаллади. Хотин-қизлар ўртасида кечган баҳсда Анастасия Журавлёва 6,11 метрга сакраб, қумуш медал билан тақдирланди.

Адабий тилимизда "Тарки одат — амри маҳол" деган ибора бор. У одатда бирор кишига мансуб бўлган одат ёки ярамас қилиқ дакки берилгандан сўнг ҳам такрорланаверса, бошқалар томонидан ё расман ёки зимдан айтиладиган ибратомуз танбеҳ бўлиб, ёмон одатларнинг яшовчанлигини билдиради.

Тарки одат — амри ирода



Бироқ Соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг бешинчи авлоди ҳисобланган, Шарқ Уйғонишини янада юқори поғоналарга кўтаришга муяссар бўлган Бобур Мирзо ўз қатияти, азму шижоати билан бу иборанинг тўғри эмаслигини бир неча бор исботлаган эди.

Бобурни ҳаётда ва ижодда фақат ва фақат рост сўзлашга, одил бўлишга, ортиқча мақтову офаринбошликни рад этишга, аҳдга вафони умрининг бош мезони қилиб олишига нима, қай куч мажбур этди?

Авалло, Бобур Соҳибқирон бобоси муҳрига ўйиб ёзилган "Рости — расти" шиорига бутун умри давомида амал қилишни ўзига шараф деб билди. Бобур назарида бу сеҳрли сўзларнинг маъно-мазмун қамрови гоятда кенг ва чуқур эди. Кўпинча "Куч — адолатдадир" деб таржима қилинадиган бу иборанинг яна бир маъноси, Бобур фикрича, "Наҳот — ростликдадир" бўлмоғи лозим эди. Ана шундай пок эътиқод билан яшашга интилган Бобур ким томонидан содир этилишидан қатъи назар, хиёнат ва алдамчиликдан нафратланди, жуда кўп фожеалар сотқинлик туфайли юз беражанини тушуниб етди. Ўзининг чигал ҳаёт йўли тўғрисида ҳикоя қилувчи шоҳ асари "Бобурнома"нинг илк саҳифаларини тўлдирар экан, фақат рост сўзлашга, воқеа-ҳодисаларни бўймай-бежамай, қандай бўлса шундай ҳикоя қилишга ўзида кучли эҳтиёж ва мажбурият сезди. Ушбу сўзларга эътибор қилинг: "Бу тарихда андоқ интизом қилилиб-турким, ҳар сўзининг ростини битилгай ва ҳар ишнинг баёни воқеъини таҳрир этилгай. Ложа-рам оғанидан ҳар яхшилик ва ёмонлигим шойиъ эди, тақрир қилдим, ва қариндош ва бегонадан ҳар айб ва ҳунарким баёни воқеъ эди, таҳрир айладим. Уқигувчи маъзур тусин, эшитгувчи таарруз бўлиш макомидан ўтсин."

Мирзо бу сўзларга қатъий амал қилиб, дўст-ёрлари тўғрисида ҳам, ашаддий душманлари ҳақида ҳам рўй-рост маълумот беради, кўрган бўлса ўзи бевосита гувоҳ бўлганини, эшитган бўлса кимлардан эшитганини очик-ойдин ёзади. "Бобурнома"ни мутлола қилар эканмиз, муаллифнинг яна бир хусусияти эътиборимизни ўзига тортади. Бу — унинг ўз-ўзига танқидий муносабати, бошидан ўтганларини қайта бошдан бирма-бир идрок қилиб, ўзини одилона ислоҳ қилиш, мардлик кўрсатиш салоҳиятидир. Масалан, унинг 1426 йилда Ҳиндистоннинг Секри деган жойида хинд лашкарбошиси Рано Санграм Синх билан тўқнашуви бунинг аққол мисоли бўла олади. Шунга айтиш керакки, бу жанг Бобур ҳаётида гувоҳ бўлган жангларнинг энг хатарлиси эди.

"Биз Ўсиёдаги ҳукмдорлар ичиде Бобур сингари гонимал ва талантли кишиларни камдан-кам учратамиз. Ҳушчақчақ ва совуққонлиги, бевафо тақдирнинг найрангларига қарамай, рўҳининг тотиқлиги, подшолар орасида кам учрайдиган саҳийлиги, мардлиги, истеъдодлиги, фанга, санъатга муҳаббат ва улар билан фол шўғулланиши жиҳатидан Ўсиё подшолари орасида Бобурга тенг келадигани йўқ".

Уильям ЭРСКИН

Лашкарлар юзма-юз келиб, жанг бошланай деб турганда, дард устига чипқон бўлади: Бобур кўшинида ваҳима кўтарилиб, бир неча минг аскар ёв томонга қочиб ўтади, бу ҳам етмагандек, Бобур мунажжими Муҳаммад Шариф фол очиб, юлдузлар галаба эмас, балки мағлубиятдан дарак бераётганини маълум қилади. Ана шу тахлика кунларда Бобур ўз ҳаётини бирма-бир кўз олдига келтиради, ўтган йилларни ўзича таҳлил элагидан ўтказиши ва иттифоқ... ўзини гуноҳдор деб топади. Яъни неча йиллардан буён ичкиликка ружۇ кўйган бўлиб, бу билан ўз ички руҳий эътиқодининг энг қатъий ва муқаддас талабларини ҳам анча вақтдан буён очикдан-очик бузиб келётганига юрак-юрағидан икром бўлади.

Ҳал қилувчи жанг олдидаги оташин нутқ ва ўқилган ибратомуз маснавий, ҳамманинг ҳузурида чин дилдан тан олинмиб ичилган онг жангчиларда катта таассурот қолдиради ва ... омонсиз муҳораба Бобур галабаси билан якунига етади.

Муҳтарам ўқувчи! Биз баъзан ҳаётнинг арзимас чигалликларини олдида ер чизиб, ўзимизни мағлуб ҳис қиламиз, журъатимиз синади ёки турмуш тарзимиздаги қайсидир ярамас одатларимиздан воз кечишга юрагимиз дов бермай, нималарнидир баҳона қилиб, йилларни ўтказамиз. Ҳолбуки, олис ва яқин тарихимизда ўзини ислоҳ қилиб, ҳаёт тарзини тубдан ўзгартирган, ўз имони ва виждони олдида берган сўзини умр бўйи ўзига дастуриламал қилиб яшаган иродали аждодларимиз озмунчами? Ахир инсоннинг ўзлигини англаши шу сингари бурилиш нуқталаридан бошланмайdimи?

Ана шундай аزمи қатъий ва шижоатли аждодларимиздан бири шоҳ ва шоир Заҳиралдин Муҳаммад Бобур эди.

Набижон СОЛИЕВ,
Баҳромжон СОЛИЕВ

Улки менга ёри дилнавоз кўрунди, Жаврин кўрсатти кўпу оз кўрунди.

Улки менга ёри дилнавоз кўрунди,
Жаврин кўрсатти кўпу оз кўрунди.

Бўлди бошим паст пойбўсида охир,
Гарчи бурун асру сарафроз кўрунди.

Сенинг учун улки бошин ўйнамади ҳеч,
Сенга ажойибки ишқбоз кўрунди.

Ишқ боринда салоҳу тавбаву тақво
Барчаси таҳқиқ бил мажоз кўрунди.

Душмано жон ўлди, не қилай, санга, Бобур,
Улки менга ёри дилнавоз кўрунди.

Яна кўз уйида маъво қилибсен,
Кўнгул кошоносида жо қилибсен.

Яна савдойи зулфингдин, нигоро,
Мени ошuftаву шайдо қилибсен.

Ғаминг йўқ жон агар берсам ғамингда,
Ўзунгни мунча бепарво қилибсен.

Қошингдин мени ўқдек ташлар учун
Янги ойдек қошингни ё қилибсен.

Кўзумдин ёшуриб, эй баҳри алтоф,
Кўзумнинг ёшини дарё қилибсен.

Соғинмас жаннату-л-маъвони Бобур,
Онинг кўнглида то маъво қилибсен.

Ёд этмас эмиш кишини гурбатда киши, Шод этмас эмиш кўнгулни меҳнатда киши.

Ёд этмас эмиш кишини гурбатда киши,
Шод этмас эмиш кўнгулни меҳнатда киши.
Кўнглим бу ғарибликда шод ўлмади, ох,
Гурбатда севинмас эмиш, албатта, киши.

Аҳбоб, йиғилмоқни фароғат тутунгиз,
Жамиятингиз борини давлат тутунгиз.
Чун гардиши чарх бу дурур, тенгри учун,
Бир-бирини неча кунни ғанимат тутунгиз.

Васлдин сўз дерга йўқ ёро манга, Ҳажр аро раҳм айлагил, ёро, манга.

Васлдин сўз дерга йўқ ёро манга,
Ҳажр аро раҳм айлагил, ёро, манга.
Ўқунг этти кўп ёмон ёро манга,
Марҳами лутфунг била ёро манга.

Қаддимни фироқ меҳнати ё қилди,
Кўнглум ғаму андуҳ ўтига ёқилди.
Ҳолимни сабоға айтиб эрдим, эй гул,
Билмон, санга шарҳ қилмади ё қилди?!

Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА
КОМУНИКАЦИЯЛАРНИ
РIVOJЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ

Бош муҳаррир:
Абдусайд КУЧИМОВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва
ахборот агентлиги томонидан
0016 рақам билан 2013 йил
23 июлда рўйхатга олинган.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Хуррид МИРЗАХИДОВ (Ҳайъат раиси), Маҳсуи МАҲМУДОВ,
Литнер ФАЙЗУЛЛАЕВ, Миродил САНГИЛОВ, Рустан ҚОСИМОВ,
Сувон НАЖБИДИНОВ, Абдулгани АБДУРАҲМОНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари),
Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб).

Таҳририятта келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди.
Муаллифларнинг фикрлари таҳрирят фикридан фарқлангани мумкин.
Наширимиздан кўчириб босилганда "Xabar" дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Реклама матнларининг тўғривлигига таҳрирят жавобгар эмас.
Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

Газета
ҳафтаининг
жума кунини
чиқарди

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмаҳонасида чоп этилди.
Маявиз: Тошкент шаҳри,
"Булок Турон" кўчаси, 41-уй.

Г-265 сонли буюртма.
Офсет усулида босилди.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табақ,
Алади: 14253 нуска.

МАНЗИЛИМИЗ:

100043, Тошкент,
Бунёдкор шохқўчаси, 8-уй.
Тел.: 288-40-65; 288-40-66, 288-40-69.
Факс: 288-40-72. E-mail: info@xabar.uz

Обуна индекси — 228.

Газета таҳририят компютер
базасида таҳрирли ва сифталанди.

Дизайнер: Аслиддин БҮРИЕВ.
Набатчи: Аслиддин БҮРИЕВ.

ISSN 2010-6424

Босишга топширилди — 20.00.
Босишга топширилиши вақти — 20.00.

Вилоят
муҳбирлари:

Андижонда 226-47-80

Бухорода 715-87-21

Гулистонда 240-00-46

Жиззахда (94) 199-95-64

Навонийда 225-91-10

Нукусда 554-35-45

Самарқандда 230-64-80

Термизда (91)235-88-68

Тошкентда 288-40-66

Урганча (90) 713-21-40

Фарғонада 244-18-05

Қаршида (93)931-08-99